Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 160 (4558).
16 ИЮЛЬ 1981 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

БАРЧА РЕЗЕРВЛАР — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

△ 14 июлда Варшавада Польша Бирлашган ишчи партиясининг IX фавқулодда съезди очилди.

Съезд меҳмонлари орасида — социалистик мамлакатлар: Болгария, Венгрия, Вьетнам, ГДР, Куба, Руминия, Совет Иттифоқи, Чехословакия, Югославия Коммунистик ва ишчи партияларининг делегациялари бор. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегациясига КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин бошчилик қилмоқда.

Саноат Яҳёева 6 йилдан бери шаҳримиздаги кўн-галантерея фабрикасида самарали меҳнат қилиб келади. У ҳамиша план-топшириқларини ортиғи билан адо этиб, ўз ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

СУРАТДА: (юқорида) С. Яҳёева иш устида.

∴ ∴ ∴

Тошкент тепловоз депоси коллективи ўн биринчи беш йиллигининг муҳим халқ хўжалиги юклари ва пассажирлар ташиш топшириқларини ортиғи билан адо этмоқда. Ушбу фотолавҳада (пастда) илғор машинист П. Евченко ва машинист ёрдамчиси В. Таймировлар тасвирланган.

Х. Мирзакаримов ва М. Нуриддинов фотолари.

ОҚШОМ СУҲБАТЛАРИ

ТУРМУШ ТАЛАБИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, филология фанлари кандидати А. Ирисовнинг шу сарлавҳали мақоласи онлада оталик бурчини тўла-тўкис адо этиш масалаларига бағишланган.

«ИНСОН — ҲАЁТ ГУЛТОЖИ»

Шу анкета саволларига бугун атоқли ёзувчи Мирзакалон Исмоилийнинг жавоблари эълон қилинмоқда.

ҚАДР

Юқоридаги сарлавҳали материалда инсон қадри ҳақида, пенсияга чиқиб кетган собиқ хизматчига икки корхона раҳбарининг икки хил муносабати тўғрисида сўз боради.

ЭР ВА ХОТИН БУРЧИ

Эркак ва аёлнинг оилавий бурчи, онлада эр-хотиннинг оила юкини баравар кўтариши, бир-бирига ҳамкор, мададкор бўлиши — ширин турмуш омилидир. Ушбу мақолада шулар ҳақида ҳикоя қилинган.

Театр—сафарда

Саҳнада жонланган афсона

Т. Жалилов ва Б. Бровциннинг «Тоҳир ва Зуҳра» спектакли ҳам Навоий номидаги ўзбек Давлат академик катта театрининг бошқа спектакллари каби москвалик томошабинларга маъқул бўлди. Кремлдаги съездлар саройининг томоша зали бу балетнинг иккинчи марта қўйилишида ҳам одамлар билан лиқ тўлди.

— Сизнинг ажойиб театрингиз, унинг артистлари бизга жуда ёқади, — дейди таниқли кино артистлар Н. Рибников ва А. Ларионова.

Спектаклни Москвада ўтаётган халқаро кинофестивалнинг кўплигина иштирокчилари, Швеция, ГФР, Австрия, Венесуэла сингари қатор чет мамлакатлардан келган меҳмонлар ҳам томоша қилдилар.

Шундан кейин ўзбек театри озарбайжон бастакори А. Меликовнинг «Севги афсонаси» балетини намойиш этди. Бу спектакль турк коммунист ёзувчиси Нозим Ҳикматнинг шу номдаги пьесаси асосида яратилган бўлиб, унга Шарқда машҳур Фарҳод ва Ширин афсонаси асос қилиб олинган.

СССР Халқ артисти, СССР ва Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотлари лауреати Г. Измайлова ана шу спектаклнинг постановкачи балетмейстеридир. Биз билан суҳбатда у шундай деди:

— Театримиз коллективи адабий манбанинг поэтик моҳиятини, фалсафий мазмунининг чуқурлигини, образли умумлашмаларини сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Театримиз постановкасидаги «Севги афсонаси» — ўткир социал фожиадир. Бизнинг спектакларимиз муваффақият билан намойиш этилаётганидан, меҳнатимиз бекор кетмаганлигидан бениҳоя хурсандмиз. Москвалик томошабинлар эътиборини қозониш осон иш эмас. Аммо биз бу вазифани уддалай олдик.

Маълумки, Г. Измайлова дунё халқлари рақсларининг энг моҳир ижрочисидир. Спектаклда у саҳнага қўйган форс ва турк халқ рақслари томошабинни ўз нафосати ва жозибаси билан мафтун этади. Мураккаб ва оғир Боку ролини ёркин ижро этган Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Г. Ҳамроева бу сафар ҳам томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

— Г. Ҳамроеванинг ажойиб ўйини мени ҳамиша ҳайратга солади. У ижро этган рақслар нафосати томошабинларни бенихоя ўзига жалб этади, — дейди «Ромэн» лўлилар театрининг етакчи артистларидан бири Л. Боброва.

Ширин ролини ижро этган Ўзбекистон ССР Ленин комсомоли мукофоти лауреати Ф. Саъдуллаев, Фарҳод ролини ижрочиси Х. Бозоров ва бошқаларнинг маҳорати ҳам москваликлар томонидан юксак баҳоланди.

Бу спектаклни яратишда РСФСРда хизмат кўрсатган рассом В. Арефьев, дирижёр Х. Шамсутдинов ва бошқалар ҳам кўп меҳнат сарфлашди. Балет СССР Халқ артисти, Ленин мукофоти лауреати Ю. Григорьев таҳририда саҳналаштирилди.

— Тошкент театрининг балет труппаси ўз маҳорати, техник ижроси жиҳатидан мамлакатимиздаги энг яхши коллективлардан биридир, — дейди биз билан суҳбатда СССР Катта театрининг солистаси Н. Морозова.

Эрталаб намойиш этилган А. Петровнинг «Дунёнинг яратилиши» спектаклида СССР Халқ артисти Д. Абдурахмонова дирижёрлик қилди. Спектаклдан сўнг биз у билан учрашдик.

— Сиз ҳозир дирижёрлик қилдингиз, оқшомги спектаклда ҳам дирижёрлик қилишингиз керак. Чарчамайсизми? — қизиқиб сўрадик биз.

— Томошабин спектаклни яхши қабул қилса, чарчоқ билинмайди. Аксинча, бу янги куч ва илҳом бахш этади, — деб жавоб берди у.

«Дунёнинг яратилиши» балети чиндан ҳам катта муваффақият қозонди. Спектакль ҳақида бир неча сўз. СССР Давлат мукофоти лауреати, РСФСРда хизмат кўрсатган артист Н. Касаткина ва В. Васильенков саҳналаштирган бу спектаклда юмор ва образлаштирнинг нафосати узвий бирлик касб этган.

Спектаклда театрнинг солисти Х. Бозоров актёр ва раққос сифатида ўз истеъдодини яққол намойиш этди. У яратган Одам ато образи ҳам кулгили, ҳам улуғвор, ҳам фожиавий. Момо ҳаво ролини ижрочиси Қорақалпоғистон АССР Халқ артисти З. Давлатмуротова эса нозик, жозибали.

«Дунёнинг яратилиши» балетида яна гулдурос қарсаклар янгради, москваликлар ўзбек артистларига алвонранг чинни гуллар тақдим этдилар.

М. БОБОХОНОВ.

План бажарилди

Шу кунларда Тошкент тўқимачилик комбинати ишчилари КПСС XXVI съезди қарорларини бажара бориб, юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар. Комбинатда съезд қарорларини ҳаётга татбиқ этиш учун социалистик мусобақа кенг йўлга қўйилган.

БУГУН

ана шу комбинатнинг йигирувчиси Ш. Тошматова йиллик планни муддатидан илгари ортиғи билан бажарганлиги ҳақида рапорт берди.

Моҳир йигирувчининг иш календари 1982 йил бошланди. Унинг бир ўзи ўтказиб йигирув операцияларини бажармоқда.

ПЕШҚАДАМ БРИГАДА ҒАЙРАТИ

БУГУН

Тошкент қурилиш Бош бошқармаси 159-трести 22-қурилиш бошқармасига қарашли Я. Казанис бошлиқ комплекслашган бригада пойтахтимизнинг Гоголь кўчасида янги беш қаватли 40 хонадонга мўлжалланган турар жой биноси қурилишини ниҳоясига етказди.

Бригада Н. Злобин методи асосида ишлаб катта муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Янги истиқомат масканига пардозлаш трестининг бригадалари сайқал беришди.

Айни пайтда пешқадамлар бригадаси янги турар жой биноси қурилишини бошлаш арафасида турибди.

ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА

Тезкорлик билан

Ўн биринчи беш йилликда Тошкент шаҳрида 60 минг ўринли мактаб, 25 минг ўринли болалар боғча ва яслилари қад ростлайди. Янги беш йилликнинг дастлабки йилида эса бинокорлар 14,9 минг ўқувчи таълим оладиган янги мактабларни ёшларга топшириш мақсадини белгилаганлар.

1568 ўқувчига мўлжалланган мактаб СВ-4В микрорайонида тезкорлик билан қурилмоқда. Байроқдор 159-трестнинг 22-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари бу мактабни учинчи кварталда фойдаланишга топширишга аҳд қилишган. Массивнинг А—1 микрорайонида ҳам 1176 ўринли мактабни 4-трестнинг 18-қурилиш бошқармаси тезкорлик билан бунёд этяпти.

С. СУЛТОНОВ.

ТОШКЕНТ — ЖАҲОНГА

БУГУН

Жўнатишга тахт

пойтахтимиздаги «Подъёмник» заводида 10 тонналик кўтарма кранлардан иккитаси социалистик мамлакатлар — Вьетнам Социалистик Республикаси ва Германия Демократик Республикасига жўнатишга тахт қилиб қўйилди.

Завод ҳар йили ўнлаб хорижий мамлакатларга ўз маҳсулотларини жўнатади. Бу ерда буюртмаларни ўз вақтида бажаришга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, завод ўтган ойда Куба ва Монголия республикалари учун кўтарма кранларни муддатидан илгари етказиб берди.

Ҳозир завод буюртмани Чехословакия ҳамда Венгрияга жўнатиш учун ҳозирлик кўрмоқда.

• Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

Тошкентнинг 2 минг йиллигини нишонлашга тайёргарлик тўғрисида

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида Тошкентнинг 2 минг йиллигини нишонлашга тайёргарлик тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Тошкентнинг 2 минг йиллигини нишонлаш арафасида кино уйи, геология музейи, ўқитувчилар уйи, телеминора, «Москва» меҳмонхонаси, М. Горький номли драма театри, «Фестиваль» кинотеатри, метрополитеннинг «Пахтакор» станциясидан темир йўл вокзалигача бўлган янги линияси, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг лабораторий корпуси, «Эталон» тажриба заводи, электротехника заводининг ишлаб чиқариш корпуслари, «Малика» трикотаж бирлашмаси, абразив комбинати, «Ўзбитхимпласт» бирлашмаси, катта ҳажмли блокли уйсозлик заводи, 9—12 қаватли биноларнинг комплектларини ишлаб чиқарадиган 3-йирик панелли уйсозлик заводи, 5-уйсозлик комбинатини ва бошқа кўплаб корхоналарнинг ишлаб чиқариш корпуслари фойдаланишга топшириш режалари белгиланди.

Шаҳар марказидан Тошкент атрофига кўчириладиган ёки марказий районлардан саноат зоналарига кўчириладиган корхона ва цехларнинг уйҳати аниқланди. Масалан, машинасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, 5-гишт заводлари бошқармаси, консерва заводи шаҳар ташқарисида жойлаштирилади; абразив комбинатининг металлокорунд цехи, каноп фабрикаси, «Ташхимсельмаш» заводи ва бошқа корхоналар марказий районлардан саноат зоналарига кўчирилади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо ва маиший хизмат объектлари қурилишини амалга ошириш бўйича ҳам кенг ҳажмдаги ишларни режалаштирди.

1983 йилнинг охирига қадар пойафзал уйи, никоҳ уйи, китоблар уйи, усти ёпиқ бозор, Акмал Икромов ва Сергели районларидаги маиший хизмат уйлари, Хадра майдонида қурилаётган 500 кишилик қатнаб даволанадиган поликлиника, Семашко номли илмий-тадқиқот институтининг 180 ўринли болаларни даволаш корпуси, травматология ва педиатрия институти корпуслари фойдаланишга топширилиши лозим.

1983 йилга қадар ободонлаштириш бўйича қуйидаги объектлар: Бўзсув канали соҳилида дам олиш зонаси. В-13 квартали ва «Қўйлиқ» турар жой массивида болалар парклари, Пушкин ва Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспектлари кесишган жойда йўл ўтказгич, Хадра майдонида транспорт тунели, Оқтепа, Салор, Бўзсув каналлари устидан ўтадиган кўприклар, Пушкин ва 1 Май кўчалари кесишган чорраҳада, Энгельс ва Ўзбекистон ССР 50 йиллиги кўчалари кесишган чорраҳада ер ости пиёдалар ўтиш йўллари қурилиши амалга оширилади ва фойдаланишга топширилади.

Тошкент шаҳар Совети томонидан шаҳарда монументлар ва ҳайкаллар қурилиши бўйича кенг кўламли вазифа белгиланди. Шонли юбилей шарафига «Тошкентнинг 2 минг йиллигига» деб номланган обелиск қад кўтаради, «Халқлар дўстлиги» майдонида «Халқлар дўстлиги» монументи, «Шарқнинг ҳур аёли» монументи, Космонавтлар проспектида эса икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси В. А. Жонибеков бюсти билан бирга космонавтлар архитектура ансамбли қурилади. Бундан ташқари. Собир Раҳимов, М. В. Гоголь, З. Фурқатларнинг ҳайкаллари қурилади.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги томонидан шаҳарда ССР халқларининг ленинча дўстлигига бағишланган рассомларнинг асарлари виставкаси ташкил этилади. Дўстлик ва қардошлик шаҳри Тошкент ҳақида, меҳнат қаҳрамонлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари — шаҳарнинг энг яхши ишчилари ҳақида ҳикоя қилувчи бадиий баркамол асарларнинг республика конкурси ўтказилади. Тошкентнинг 2 минг йиллигига бағишланган спектакллар қўйилади, шаҳар ҳаваскорлик санъати коллективларининг фестиваллари ўтказилади.

ЁШ КОММУНИСТЛАР МАКТАБИ

СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи партия комитети кейинги йиллар ишчилар билан ишлашга катта эътибор бермоқда. Партия комитети қошида ёш коммунистлар мактаби ташкил этилган бўлиб, тез-тез тажрибали партия ходимлари ва Тошкент олий партия мактабининг малакали ўқитувчилари лекция ўтказиб туришади. Бундан ташқари бу ерда мастерлар куни, пропагандист мактаби мунтазам иш олиб бормоқда.

Айниқса, марксизм-ленинизм университети ишга таҳсинга лойиқ бўлаётир. Бунда заводнинг инженер-техник ходимлари ва бошқа ишчилари ўз билимларини оширмоқда. Яқинда университетнинг навбатдаги тингловчиларидан 32 киши партия ўқуви курсини тугатди.

Битирувчилардан 6 тингловчи имтиёзли дипломни қўлга киритди. Булар орасида механика цехининг инженер ремонтчиси Эльмира Анафеева, Бош технологлар бўлими бюроси бошлиғи Фируддин Ҳасанов, пайвандлаш ва пресслаш цехининг катта мастери Александр Докучаевлар ҳам бор.

Ғ. РАЗЗОҚОВ.

КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН

БУГУН

Ўзбекистон ССР Давлат Стандартлар бошқармасида ёш болалар учун янги йил маскарадини тайёрлаш тўғрисидаги техник шартшароитлар қайд этилди.

Болалар учун бу совғани «Ўзбитхимпласт» бирлашмаси тайёрлаган. Бу ерда ҳаммаси бўлиб, 24 турдан иборат бўлган бир туркум маскалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

• Маданият уйларида

ҲАМКОРЛИКДАГИ ПРОГРАММА

Шаҳримизнинг Киров районида жойлашган Абдулла Қодирий номидаги маданият уйи шу кунларда кўпгина ибратли тадбирларни амалга оширмоқда. Маданият уйи бадиий ҳаваскорлар коллективи шаҳримиз ва пойтахт область районларида ўтказилаётган кўпгина тантаналарда мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Маданият уйи Жиззах областининг Зомин райони маданият уйини оталиққа олган. Бундай ҳамкорлик иккала маданият уйи учун фойдали бўлмоқда. Яқинда ана шу маданият уйлари ҳамкорликда янги катта концерт программасини тузишга киришдилар. Концерт программасини тузиш ниҳоясига етгач, маданият уйлари бадиий ҳаваскорлари дала меҳнаткашларини янги куй ва қўшиқлар, дилбаро наволар билан ҳушнуд этадилар.

САНЪАТСЕВАР ЁШЛАР

Тракторсозлар массивида очилган 20-мусиқа мактаби бундан 22 йил олдин биринчи ўқувчиларини қабул қилганди. Бу мактабни битирганларнинг кўпчилиги консерватория ва мусиқа билим юртларида муваффақиятли ўқишмоқда. Ҳозир барча синф хоналари сифатли ремонтдан чиқарилиб, мусиқа олами ихлосмандларини кутмоқда.

— Баҳорда ўтказилган «Санъат байрами»да мактабимиз ўқувчилари актив қатнашиб, 38 та дипломни қўлга киритишди. Ҳозир ўқувчиларимиз ёзги каникулларини соз ўтказишсада, биз янги ўқув йили учун планлар тузиб қўйганмиз. Яъни, сентябрнинг биринчи кунидан 1982 йил баҳорда бўладиган Бутуниттифоқ музика ҳафталигида қатнашиш учун ишларни бошлаб юборамиз, — дейди мактаб директори М. Коган.

Тошкент трактор заводи коллективи ўз зиммасига олган йиллик план-топшириқларини муддатдан илгари адо этиш учун социалистик мусобақани тобора қизитиб мусобақа этишмоқда. Диққатингизга ҳавола этилаётган ушбу фотолавҳада сиз мусобақа илғорлари КПСС XXVI съезди делегати (ўнгдан-чапга) М. Туробов, ёш ишчилардан С. Калчабеков, Б. Бобохонов, Т. Усеиновларни кўриб турибсиз. Бу илғор ишчилар смена топшириқларини ҳамиша 130—140 процентга етказиб адо этишади.

Х. Мирзакаримов фотоси.

телетайп лентасидан

● БЬЕНТЬЯН. Лаос Халқ Демократик Республикасининг Президенти Суфанувонг халқ маорифи системасида ўқув йили тамом бўлиши муносабати билан Чампассак вилоятида ўтказилган митингда сўзлаган нутқида бундай деди: мустамлакачиликнинг разил шармандали сарқити-саводсизлик ҳали тугатмай туриб, мамлакатнинг соҳасида катта ўзгаришларни амалга оширмай туриб, социализм қуриш мумкин эмас. Бу вилоятда партия комитетлари ва халқ ҳокимияти маҳаллий органларининг раҳбарлигида катта ёшдаги аҳоли ўртасида саводсизликни тугатиш кампанияси тугатиш кампанияси ҳозирга етказилди. Бу кампания натижасида минг-минглаб лаосликлар ўз она тилида ўқиш ва ёзишни ўрганди.

Президент ўз ватандошларига таълим бериш маориф ходимларига, халқ озодлик армияси жангчиларига, студентларга ва халқ маорифи соҳасида ишловчи барча активларга қизғин миннатдорчилик изҳор қилди. У кўп миллатли бутун лаос халқини ЛХДРда социализм асосларини қуришда янги-янги муваффақиятларни қўлга киритишга чақирди.

● ПАРИЖ. Франция республикасининг министрлар кенгаши давлат хавфсизлиги сўзини тугатишни кўзда тутган қонун лойиҳасини маъқуллади. Президент маҳкамасининг вакили давлат хавфсизлигига даҳлдор жиноятларни бундан буён қуролли кучларнинг тегишли суд органлари текшириб чиқади, деди.

Франция бош министри П. Моруа қонун лойиҳасини миллат мажлисининг тасдигига тақдим этади. Социалистик, коммунистик партиялар ва бошқа сўл партияларнинг вакилларидан иборат ҳукумат миллат мажлисида мутлақ кўпчиликни ташкил этади.

● БАИРУТ. Бу ерда Ливандаги энг йирик ишчилар бирлашмаси — меҳнаткашлар ялпи конфедерацияси ижроия комитетининг фавқулодда мажлиси бўлди. Турли касаба союзларига мансуб 200 мингдан зиёд киши шу бирлашмага киради.

Мажлис қатнашчилари озиқ-овқат маҳсулотлари, энг зарур моллар қимматлашиб бораётганлиги ва инфляция билан боғлиқ бўлган иқтисодий проблемаларни муҳокама қилдилар. Конфедерация ижроия комитетининг аъзолари ўз нуқтларида Исроил ҳарбийларининг Ливанга қарши агрессив ҳужумлари мамлакатдаги иқтисодий қийинчиликларга бевосита сабаб бўлди, деб уқтириб ўтдилар.

● СОЛСБЕРРИ. Зимбабве президенти К. Банана ва Замбия Президенти К. Каунда Жанубий Африка Республикаси ирқчиларининг «фронт яқинидаги давлатлар»ни изидан чиқаришга қаратилган қўпорувчилик ҳаракатларига қаттиқ зарба беришга чақирдилар.

Замбия давлатининг бошлиғи К. Каунда Зимбабве Президенти шарафига ўтказилган қабул маросимида «Претория ирқчи ва фашист режимининг агрессив кирдикорлари кучайган бир пайтда Африка жанубидаги мустақил мамлакатларнинг бирлигини мустаҳкамлаш зарур эканлигини уқтириб ўтди.

● БРАЗИЛИА. Энг катта индустриал шаҳар ҳисобланган Сан-Паулуда метрополитен тармоқлари кенгаймоқда. Мавжул станцияларга яна иккита станция «Белен» ва «Татуапе» қўшилди. «Шимол-жануб» ва «шарқ-ғарб» линияларидан иборат метрополитендан ҳар куни 700 минг киши фойдаланади. Шаҳарнинг олис районларини муассасалар, банклар, театрлар, музейлар жойлашган марказ билан метрополитен линияси орқали боғланган.

Шаҳар маъмурлари жамоат транспортининг бу замонавий тури шаҳарда пассажирлар ташишда тобора катта роль ўйнамоқда, деб ҳисобламоқдалар. Метрополитен шу йилнинг охиригача ҳар куни 1 миллион пассажирни ташиши керак.

• *КПСС XXVI съезди қарорлари–ҳаётга*

ЮКСАК ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДА

«Ун биринчи беш йилликда фан ва техниканинг ривожи совет жамиятининг иқтисодий ва социал вазифаларини ҳал этишга, экономикани интенсив ривожлантириш йўлига ўтказишни жадаллаштиришга, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга янада кўпроқ даражада бўйсундирилиши лозим».

(«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»)дан.

Институтимизнинг мингдан ортиқ коммунистлари ва 18200 комсомоллари КПСС XXVI съезди қарорларини аниқ ташкил этилган план асосида амалга оширмоқдалар. КПСС XXVI съезди қарорларида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш юзасидан белгилаб берилган улуғвор вазифаларни юқори малакали кадрларсиз муваффақиятли ҳал этиб бўлмайди, деб таъкидланган.

Бу муҳим вазифанинг бажарилишида олий ўқув юртларида, илмий-педагог ходимлар коллективи муҳим роль ўйнашлари керак. Шунинг учун ҳам Абу Райҳон Беруний номидаги Халқлар дўстлиги ордени Тошкент политехника институтининг ректорати, 2.5 минг кишилик профессор-педагог лар коллективи ўқув-тарбиявий, голвий-сиёсий, илмий тадқиқот ишларини ҳозирги замон талаблари даражасига жавоб берадиган қилиб муттасил такомиллаштириб бормоқдалар.

КПСС XXVI съездида қабул қилинган Асосий йўналишларда мутахассислар тайёрлаш сифатини янада ошириш ҳамда улардан халқ хўжалигида фойдаланишни яхшилаш тадбирларини амалга ошириш кўзда тутилган. Бу масала Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни янада яхшилаш тўғрисида»ги масалага бағишлаб ўтказилган II Пленумида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўрток Ш. Р. Рашидов докладида янада ойдинлаштириб берилган.

Ҳақиқатан ҳам ўн биринчи беш йилликда мамлакатимиз экономикасини ривожлантириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг муваффақияти олий ўқув юртларида тайёрланаётган мутахассис кадрларнинг билим даражасига, улардан ўз ўрнида тўғри фойдаланиш ҳамда уларнинг қобилиятини ривожлантиришга боғлиқдир.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати олий ўқув юртларида мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга доимо катта эътибор бериб келмоқда. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Олий ўқув юртларини ривожлантириш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш тўғрисида», «Олий ўқув юртларида илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш тўғрисида» қабул қилган қарорлари социал-иқтисодий ҳамда илмий-техника тараққиётини ривожлантиришда олий ўқув юртлари ролини оширишга хизмат қилмоқда.

Бизнинг институтда ўқув-тарбиявий, голвий-сиёсий ва илмий-тадқиқот ишлари даражасини ошириш мақсадида ёш мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини бошқаришнинг ягона комплекс системаси ишлаб чиқилди ва жорий этилмоқда.

Бу система ўртоқ Л. И. Брежнев совет мутахассислари ни ва маркса-ленинча таълимотни яхши эгаллаган, кенг илмий ва амалий тайёргарликка эга бўлган, ўз ихтисослигини такомиллаштира оладиган, коллектив билан ишлай оладиган, юксак маданиятли киши, деб таърифлаган талабларга жавоб берадиган қилиб тузилган. Система олий ўқув юрти ишининг студентликка қабул қилишдан, студентлар коллективини комплектлаштиришдан тортиб, то уларни иш жойига тақсимлаш, маълум иш стажини ўташгача бўлган ҳамма асосий босқичларни ўз ичига олган.

Институт партия ташкилоти иш сифати ва самарадорлигини, ўқув жараёни ва мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини оширишдек, ҳозирги замон фан-техника тараққиёти талабларига бир мунча тўла жавоб бера оладиган муҳим проблемаларни ҳал этишга бундан буён ҳам асосий эътиборни қаратаверади.

Бу муҳим масалани ижобий ҳал этишда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиклари — институт ректори К. С. Аҳмедов, Ҳ. Ф. Фозилов, 47 профессор, 2577 педагоглар состави катта жонбозлик кўрсатишяпти. 13 та кундузги факультетда 17,5 минг студент билим олмоқда. Жумладан, бу йил 2900 ёш мутахассис диплом билан ишлаб чиқаришга йўлланма олди. Жиззах, Наманган, Самарқанд, Навоий шаҳарларида институтнинг филиаллари муваффақиятли ишлаб турибди.

Асосий йўналишларда: **«...халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этиш учун олий ўқув юртларининг илмий потенциалидан фойдаланиш самарадорлиги оширилсин. Илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва уларни аттестациядан ўтказиш такомиллаштирилсин;**

илмий-техника ахборот ва патент-лицензия иши системаси яхшилансин», дейилган.

Ана шу тадбирларни қунт билан амалга ошираётган институтимиз коллективи ўтган беш йилликда халқ хўжалигига 68 ихтисослик бўйича 21 мингдан кўпроқ инженер кадрлар етказиб берди. 1980 йилнинг ўзидаги на институт олимлари томонидан 3 миллион 100 минг сўмлик ҳажмда илмий-тадқиқот ишлари бажарилди. Хўжалик шартномаси бўйича илмий-тадқиқот ишлари беш йиллик плани оширибадо этилди. 1980 йилда 246 та мавзуда иш бажарилди, жумладан 86 таси хўжалик шартномасига асосан амалга оширилди. 9 та докторлик ва 34 та кандидатлик диссертацияси ёқланди...

Беш йилликда институтимиз олимлари илмий ишларининг бир мунча муҳим натижаларига кўра 500 дан кўпроқ авторлик гувоҳномалари ва ижобий қарорлар олдилар. Шунингдек, жаҳоснинг Англия, Франция, Канада каби капиталистик мамлакатларидан 7 та патент олдилар.

Асосий йўналишларда: **«...фан билан ишлаб чиқаришнинг ўзаро алоқалари кучайтирилсин, илмий муассасалардаги тадқиқотларнинг савияси, тугалланган илмий ечимлар ва ихтироларнинг натижаларидан ишлаб чиқаришда тезроқ фойдаланиш учун министрликлар билан идоралараро масъулияти оширилсин»**, деб таъкидланганидек, институт ректорати ва партия ташкилоти олимларнинг, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг илмий муассасалари, тармоқ министрликлар ҳамда соҳа лабораториялари тармоқлари билан алоқани ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Ўтган йили институтдаги 10 та факультетнинг олимлари республика Фанлар академиясининг 12 та муассасаси олимлари билан ҳамкорликда 45 та мавзуда илмий ишлар ва ечимларни ҳал этдилар. Ўн биринчи беш йилликда ҳамкорликнинг ана шу формаси янада ривож топаверади.

Ш. БАЛАБЕКОВ,
Абу Райҳон Беруний номидаги Халқлар дўстлиги ордени Тошкент политехника институти партия комитети секретарининг ўринбосари.

Комсомол аъзоси Меҳри Сайфуддинова (юқоридаги суратда) бир неча йилдан буён кўн-галантерея фабрикасида баранали меҳнат қилиб келади. У меҳнатсеварлиги туфайли коллектив ҳурматини қозониб келяпти, Смена топшириқларини ортиғи билан адо этаётган комсомол қиз беш йилликни муддатидан илгари якунлаш иштиёқида меҳнат қилмоқда.

* * *

Қуйидаги суратда ҳам беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажариш ташаббусига қўшилган миллий чолғу асбоблари фабрикасининг ишчиси Шукрулла Юсупов тасвирланган. У ҳам кунлик топшириқларини ортиғи билан адо этиб, кўзлаган марраси сари дадил бораяпти. У етакчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси фақат аъло сифатли маҳсулот тайёрлаб беришга ҳаракат қилмоқда.

Ҳ. Мирзакаримов ва М. Нуриддинов фотолари.

Республика бўйлаб

Сариосиё районида қурилган янги Ҳасанхон канали ишлай бошлади. Тўпаланг дарёдан бошланувчи 8 километрли бу суғориш канали «Ўзбекистон» колхозида 300 гектар ерни суғоради. Сурхондарёда сув хўжалик қурилишининг энг ёш ташкилоти «Сариасия совхозводстрой» тресги механизациялашган 4-кўчма колоннасининг қурувчилари хўжаликка шу канални қуриб бердилар.

* * *

Янгиқўрғон консерва заводи консерваланган ҳўл мева тайёрлаб чиқара бошлади. У қишлоқ матлубот кооперациясида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган олтинчи корхонадир. У йилига миллион шартли банка мураббо, жем, повидло тайёрлаб чиқаради. Корхона механизациялашган линиялар, автоматика билан таъминланган.

* * *

Сирдарё областининг кооператорлари пахта терими чоғида дала шийпонларига қатнаб турадиган автомагазинларнинг маршрутларини тузиб чиқдилар. Область матлубот союзининг ходимлари теримга актив тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар терим чоғида дала шийпонларида 180 та сотувчисиз дўкон очадилар, доимий магазинларнинг иш графигини ўзгартирадилар.

(ЎзТАГ).

△ ТЕЖАМКОРЛИК — КОММУНИСТИК ХИСЛАТ

КЎРИКДА ФАОЛ ҚАТНАШЯПТИ

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Хом ашё, ёқилғи-энергетика ва бошқа модий ресурсларни тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш ишларини кучайтириш тўғрисида»ги қарорини Киров районидаги асбобсозлик заводининг коллективи тўла маъқуллаб қутиб олди ва кундалик ишларида унга амал қилмоқда. Коллективнинг ҳар бир аъзоси, айниқса, халқ назоратчилари хом ашё, материал, электр энергияси ва металлдан тежаб-тергаб сарфлаш иқтисодий тежамкорлик юришида фаол қатнашиб келмоқда. Шу туфайли йил бошидан буёғи 30 тоннага яқин шартли ёнилғи, 25 минг киловатт-соат электр энергияси, 350 гигакалорийдан кўпроқ иссиқлик энергияси ва бошқа материалларни тежаб қолишга муваффақ бўлинди.

Корхонада ўнлаб номда ўймакорлик, фрезерлик асбоблари, шунингдек хўжаликда ишлатиладиган кўплаб номда буюмлар тайёрланади. Буларнинг ҳаммаси металл, пўлат ва рангли металлардан ишлаб чиқарилмоқда. Шунинг учун ҳам корхонада ҳар бир детални тайёрлашда металл қуймаларини тежаб-тергаб сарфлаш, уларни чиқадиган икки-ламчи металларни тўплаш ва давлатга топширишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Корхона территориясида рангли ва қора металларни тўплайдиган ва давлатга топширадиган алоҳида-алоҳида хоналар ажратилган.

• *Бугун Тошкент тўқимачилик комбинатида*

НУҚСОНЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛСИН

«...ишлаб чиқариш қувватларининг тезроқ ишга туширилиши ва ўзлаштирилиши таъминлансин, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш жадаллаштирилсин».

(«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 — 1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»)дан.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездидаги Ҳисобот докладида: **«Янги беш йиллик қурувчилар учун жиддий имтиҳон бўлади»**, деб айтди. Дарҳақиқат, янги беш йилликда қурувчилар олдига улкан вазифалар қўйилди. Ишлаб турган корхоналарда реконструкция ишларини жадаллаштириш, объектларни ўз вақтида, тез ва соз, тежамкорлик асосида қуриш ҳамда фойдаланишга топширишга алоҳида эътибор берилади. Чунончи, Тошкент тўқимачилик комбинати реконструкцияси объектлари қурилишида иштирок этаётган бош пудратчи ва ёрдамчи пудратчи қурилиш ташкилотлари ҳам буни ўзларига дастуриламал деб билишиб, тез ва соз қуришга ҳаракат қилмоқдалар. Жумладан, уларнинг гайрат-шижоати туфайли ишга туширилган Акмал Икромов районидаги биринчи тўқув филиали қарийб 7 ойдан буён маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Бу ерда жуда катта қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

Бироқ, шунга қарамай қурилиш ташкилоти раҳбарлари баъзи масалаларга кам эътибор бермоқдалар. Масалан, бу ерда ҳали ёнғинни ўчириш автоматикаси, сигнализация ишга туширилмаган.

Юнусобод массивидаги иккинчи тўқув филиалида ҳам қурилиш ишлари суст олиб бориляпти. Бу ерда иссиқ ва совуқ сув қувурлари, насослари ишга туширилмади. Хўжалик ҳисобидаги «Сантехмонтаж» бошқармаси ўз ишига масъулиятсизлик билан ёндошмоқда. Шунингдек, бош пудратчи — «Межколхозстрой» трести, ёрдамчи ташкилот — «Чирчиқэлектромонтаж» трести қурувчилари ҳам ўз ишларидаги камчиликларни тезда тугатмоқлари керак.

Қорақамиш массивида бунёд этилган ва ишга туширилган 3-тўқув филиалида бугунги кунда ускуналарнинг лойиҳа қувватини тиклашга ҳаракат қилинмоқда. Аммо бу ерда қурилиш ишларини олиб бораётган бош пудратчи «Межколхозстрой»нинг 6-трести қурувчилари ишга совуққонлик билан ёндошмоқдалар. Электр тармоғи конденсаторларининг иш графиги ҳалигача тузилмаган, электр қувватини узайтириш тармоғи ишида қатор камчиликлар мавжуд.

Комбинат территориясидаги объектлар реконструкцияси ҳам ўлда-жўлда қоляпти. Бош пудратчи ташкилот — «Ташпромстрой» трестининг 1-қурилиш-монтаж бошқармаси бош инженери В. И. Зузин реконструкция ишларининг суст бораётганлигини айтди. Агар иш шу тарзда давом этаверса, йил охирига бориб пландаги қурилиш ишларининг фақат 60 процентигина амалга оширилади. Ҳолбуки, бу йил қурувчилар корхона территориясидаги объектларнинг ўзидагина 2 миллион сўмлик иш бажаришлари лозим.

Қурувчилар бу йил бир қанча муҳим объектларни фойдаланишга топширишлари керак. Биринчи навбатда ип фабрикасининг бўяш цехи қурилишидаги камчиликлар тугатилиши шарт. Чунки компрессорлар ишга туширилмаганлиги сабабли цехга ўрнатилган «Хисако» маркали бўяш аппаратларининг 50 проценти бекор турибди. Ваҳоланки, бу қимматбаҳо ускуналарнинг лойиҳа қувватини ўзлаштириш ва тўла қувват билан ишга солиш муддати аллақачон ўтиб кетган.

Шунингдек, ип фабрикасининг маъмурий-маиший корпуси, марказий иссиқлик пункти, электр, сув тармоқлари коллекторлари, 110 вольтли подстанция фойдаланишга топширилиши керак. Аммо бу объектларнинг ҳар бирида ўнлаб қурилиш-монтаж ишлари камчиликларини кўриш мумкин.

Корхона партия комитети реконструкция ишларининг боришини етарли даражада назорат қилмаяпти. Корхона партия комитети бююртмачи ҳамда ижрочи ташкилотларининг кўшма йиғилишини фақат бир марта ўтказди, бош пудратчи ва ёрдамчи қурилиш ташкилотларининг ишланини ҳамкорликда кўриб чиқмаган. Корхона территориясида қад кўтараётган оқартириш-мерсеризация ва ялаш корпусида ҳамда санаторий-профилакторий қурилишида иш деярли тўхтаб қолди. Бош пудратчи ташкилот бош инженери В. Зузиннинг гапига кўра, бу иккала объектнинг смета ҳужжатларига ўзгартириш киритилган.

Бундан ташқари корхона реконструкцияси объектлари қурилиш материаллари билан етарли даражада таъминланмаяпти. Айниқса, металл қувур, асбоб-ускуна, конденционерлар билан таъминлаш ортга сурилмоқда. Ваҳоланки, ип фабрикасининг бўяш цехи қурилишини март ойининг биринчи ярмида тугатиш ва фойдаланишга топшириш белгиланган.

Пардозлаш фабрикасининг маъмурий-маиший корпусини қурувчилар деярли етти ойдан буён ана топширамиз, мана топширамиз деб пайсалга солмоқдалар. Аслида корпус фойдаланишга топширишга тайёр. Фақат йўловчи лифтлар (жавобгар ташкилот —«Лифтмонтаж») бошқармаси ишга туширилса бас. Бунинг учун қурувчиларга узоғи билан 10 кун керак бўлади.

Шаҳар чеккасида қурилаётган йигирув-тўқув фабрикаси қурилиши ҳам ниҳоятда суст олиб борилмоқда. Йил бошидан буён планда белгиланган 450 минг сўмлик кам иш амалга оширилди. Айниқса, 35-электр қувват узатиш линиясининг қурилиш майдонидан олиб ташланмаганлиги ишга ҳалақит бермоқда. Бу линия 1979 йилнинг биринчи кварталида олиб ташланиши лозим эди. Аммо бу иш ҳамон ортга сурилиб келмоқда.

Хуллас, комбинат реконструкцияси ва филиаллари қурилишида ҳали камчилик ва нуқсонлар кўп. Маъмурият ва мутасадди қурилиш ташкилотлари «Барвақт қуриб, барвақт ўзлаштирайлик» шиори остида мусобақани қизитмоқдалар, объектларни ўз муддатида топширишмоқда. КПСС XXVI съезди қарорларини амалга оширмоқдалар керак.

Ҳ. САЙДУЛЛАЕВ,
кўп нусхали «Тўқимачилар овози» газетаси ходими.

2 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ
16 ИЮЛЬ, 1981 й.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ССРНИНГ ЁРДАМИ БИЛАН

УЛАН-БАТОР. Халқ Монголиясида «Ҳэнтэй аймогида «Чандган» ва марказий аймоқларда «Нухурлур» номли иккита давлат хўжаликларининг биринчи навбати ғалла бир вақтнинг ўзида ишга туширилди. Совет Иттифоқи ёрдамида ташкил этилган бу хўжаликлардан етиштирилган ғалла Монголия халқининг дам олиши учун барча шароитларни яратишга катта эътибор бердилар. Хўжаликларнинг марказларида уй-жой бинолари, мактаблар, медицина пунктлари, болалар боғчалари ва яслилари, ҳар хил маданий-маиший объектлар барпо этилган.

Бинокорлар янги хўжаликларнинг бинораларини мукаммаллаштиришга, давлат хўжаликлари ходимларининг дам олиши учун барча шароитларни яратишга катта эътибор бердилар. Хўжаликларнинг марказларида уй-жой бинолари, мактаблар, медицина пунктлари, болалар боғчалари ва яслилари, ҳар хил маданий-маиший объектлар барпо этилган.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда янги давлат хўжаликлари лойиҳадаги қувватга эришгач, ҳар йили жами 22 минг тонна дон, юзлаб тонна гўшт ва сут етиштира олади.

МХРда ҳозирги вақтда ҳаммаси бўлиб 15 та давлат хўжалиги, бир қанча бошқа қишлоқ хўжалик объектлари ишлаб турибди.

ҒАЛЛА ЎРИМ-ЙИҒИМИ

БЕЛГРАД. Югославиянинг асосий ғалла конларида ғалланинг ярми ўриб қўйилди. Мана шу автоном ўлка далаларида ҳозирги вақтда 7 мингдан кўп комбайн ишлаб турибди. Мамлакатда об-ҳаво шароити ноқулай келганлиги сабабли кузги дон экинларини планда белгиланганига қараганда камроқ ерга экилди. Бу йил ЮСФРда қарийб 4,6 миллион тонна ғалла йиғиштириб олишни мўлжалламоқдалар.

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

ПРАГА. Литвинов шаҳридаги углеводлар химияси илмий-тадқиқот институтида Москвадаги турдош институт билан биргаликда юксак октанли бензин составини яхшилаш иши олиб борилмоқда. Тадқиқотлардан мақсад — қўргошин қоришмалари миқдорини камайтириб, машиналардан чиқариладиган газ билан атроф-муҳитнинг ифлосланишини камайтиришдир. Чехословакия ва совет химиклари бу соҳада 50-йиллардан бери ҳамкорлик қилиб келмоқдалар.

Ҳар икки томон биргаликдаги иш жараёнида аммиакни синтезлашнинг янги технологиясини ишлаб чиқишда бир-бирларига ёрдам берди. Мойлаш материалларини ишлаб чиқаришда ҳам муваффақиятларга эришилди. Мана шу ва бунга ўхшаш биргаликда ўтказилган ўнлаб тадқиқотлар ва технология ечимлари ҳар иккала мамлакатда химия саноатининг бир қанча муҳим проблемаларини ҳал этишни ғоят тезлаштирди.

МИЛИТАРИСТИК СИЁСАТ

КОБУЛ. Афғонистоннинг «Кабул нью таймс» газетаси Покистондаги ҳукмрон доираларнинг милитаристик сиёсатини кескин танқид қилди. Газета редакцион мақоласида қуйидагиларни таъкидлайди: Покистон раҳбарларининг милитаризми Афғонистонни қаттиқ ташвишга солади. Америка империализми ва Пекин гегемонизмининг мададидан фойдаланаётган Исломобод ўзининг агрессив ҳаракатлари учун Афғонистонни мўлжалга олиб қўйган. Покистон мамурлари АДРнинг ички ишларига аралашишга уринаётганлиги шу қадар аён бўлиб қолдики, Исломободда буни ҳатто яширишга ҳам ҳаракат қилмаётирлар. Покистон территориясидаги лагерларда тайёрланаётган аксилинқилобчи Каррингтон ва Хуан каби юқори мартабали шахслар визит билан келганларида шу лагерларни уларга намойиш қилиб кўрсатадилар.

Газетанинг ёзишича, Покистоннинг ўз ҳарбий потенциалини кўпайтираётганлиги ва АҚШ ҳамда Хитой Покистонга тобора кўп ҳарбий ёрдам бераётганлиги унга кўпни бўлган бошқа мамлакатларни ҳам хавф остида қолдиради. «Кабул нью таймс» газетаси Американинг «Ф—16» самолётлари Покистонга етказиб берилаётганлиги Ҳиндистонда катта ташвиш тўдиргаётлигини эслатиб ўтади. Исроил Ироққа босқинчиларча ҳужум қилиш учун, деб таъкидлайди газета, ана шу самолётлардан фойдаланган эди.

ШАЙКА ТУГАТИЛДИ

ДЕҲЛИ. Мамлакатнинг шимоли-шарқидаги Манипур штатининг Текчам номли кичик бир қишлоғи яқинида хавфсизлик кучлари отряди билан пекинпараст сепаратчиларнинг катта шайкаси ўртасида шиддатли жанг бўлди. Ўз жиноятлари билан ном чиқарган Н. Бисвешвар Сингх шу шайкага бошчилик қилди. Н. Сингх Пекин маблағлари ҳисобига вужудга келтирилган «Халқ озодлик армияси» деб аталган армиянинг бошлиқларидан биридир. Бу шайка тамомила тугатилди, унинг бошлиғи эса асир олинди. Газеталарнинг ёзишича, экстремистлар жанг майдонида Хитойда ишлаб чиқарилган кўп қурол-яроғ, ўқ-дори ва кучли радиостанциядан маҳрум бўлиб қолдилар.

Н. Бисвешвар Сингх ва унинг гумаштлари икки йил мобайнида жиноят қилиб, Ҳиндистон ҳарбий хизматчиларидан бир неча кишини ўлдирдилар. Улар террор методларидан фойдаланиб, маҳаллий аҳолини ўз ҳатти - ҳаракатларини қўллаб - қувватлашга мажбур этиш у ч у н ҳийлаларга қаршилик кўрсатишга уринган кишилардан ваҳшийона ўч олдилар. Сепаратчилар «революцион ҳукумат» деб аталган ҳукуматни тузганлар. Бу «ҳукумат»нинг махфий мажлисларида Манипурни Ҳиндистоннинг асосий территориясидан ажратиб олиш ва Ҳиндистоннинг шимоли-шарқидаги ҳамма жойларда террорчилик ишларини кучайтириш режалари ишлаб чиқилган.

Ҳиндистон матбуотининг таъкидлаб ўтишича, Хитой кейинги вақтларда Нагаленд, Трипур, Манипурда ва Ҳиндистоннинг бошқа шимоли-шарқий штатларида экстремистларни ошкора қўллаб-қувватлашни кучайтирди. Пекин сепаратчилар ҳаракатининг ташкилий тузилишини такомиллаштириш учун ўз кучларини аймай сарф қилмоқда. Хитойнинг Ҳиндистон билан чегарадош вилоятлари территориясидаги таълим марказларида босмачиларнинг бошлиқларини тайёрлашга эўр эътибор берилмоқда. Ҳиндистондаги хабардор органларнинг кейинги маълумотларига қараганда, Хитой Ҳиндистоннинг шимоли-шарқида ҳукумат кучларига қарши уруш ҳаракатларини биргаликда олиб бориш мақсадида барча сепаратчи гуруҳларини бирлаштиришга уринмоқда. Нега сепаратчилар бошлиқларидан базаларини ҳозирги вақтда Пекинда истиқомат қилмоқда. Пекиннинг йўл-йўриқларига мувофиқ, Нагаленд штатидаги бир мингга яқин сепаратчи Аруначал-Прадеш иттифоқ территориясидаги, Мизорам ва Трипур штатларидаги маслакдошлари билан алоқа боғлаган. Ҳиндистон матбуоти зўр ташвиш билан таъкидлаб ўтганидек, Хитойнинг махсус хизмат маҳкамалари стратегик жиҳатдан муҳим бўлган шимоли-шарқий штатларни Ҳиндистондан ажратиб олиш режаларидан воз кечган эмас.

Германия Федератив Республикасида плакатлар ва транспарантлар кўтарган меҳнаткашлар вакилларининг митинглари ва намойишларида уларнинг Америка Қўшма Штатлари ҳамда НАТОнинг қуролланиш пойгасини жадаллаштиришга қарши, меҳнат кишилари елкасига иқтисодий кризис машаққатларининг юкланишига қарши норозилик овозлари янграмоқда.

Дунёбурғда ўтказилган намойиш пайтида олинган ушбу суратда унинг қатнашчилари «Биз тинчлик шароитида ишлашни истаймиз», деб талаб қилмоқдалар.

ТАСС фотохроникаси.

ТОШҚИН ЖАБРДИЙДАЛАРИ

КАРАКАС. Венесуэлада қаттиқ жала ёмғирлари сабабли рўй берган тошқинлар натижасида кейинги бир ой ичида 17 киши ҳалок бўлди, 5 киши бедарак йўқолди ва салкам 14 минг киши жароҳатланди.

Қирғоқларидан тошиб кетган дарёлар, сув босган автомобиль йўллари, вайрон бўлган бинолар—ҳозир мамлакат ғарбий штатларининг талайгина қисми ана шундай манзара касб этган.

Португес дарёси тошиб кетиб, ташқи дунёдан ажратиб қўйган поселка ва қишлоқларда қолиб кетган беш юз деҳқон оиласининг тақдири шу пайтгача маълум эмас.

Мамлакатнинг марказий районларида Валенсия кўли тошиб кетди. Венесуэладаги асосий сув йўлларидан бири-Апуре дарёсининг сатҳи хатарли даражада кўтарилиб бормоқда.

Пойтахт чеккаларида жиддий аҳвол вужудга келди. Жароҳатланганлар сони ортиб бормоқда, жўшқин сув юзлаб уйларни ювиб кетди.

ҲАДДАН ТАШҚАРИ ОЧАРЧИЛИК

САН-ХОСЕ. Мамлакатни ажнабий монополияларга қарам қилиб қўйган Гондурас ҳарбийлари ва маҳаллий олигархия аҳолини ҳаддан ташқари қашшоқликка дучор қилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти маълумотларига қараганда гондурасликларнинг 60 процента бир йилда юз доллардан кам даромадга эга. Жамиятнинг энг қашшоқ қатламлари ўртасида аҳоли жон бошига даромад ҳар йили 30 доллардан ошмайди.

Гондурас бошидан кечираётган оғир иқтисодий аҳвол мамлакатда Америка монополиялари бемалол иш кўраётганликлари туфайли тобора кучаймоқда. Америка монополиялари шу мамлакатнинг миллий бойлигини сурбетларча талаб, ҳаддан ташқари кўп фойда олмоқдалар, ўтган йили Гондураснинг ташқи савдо баланси 400 миллион доллар кам келганлиги ҳам бежиз эмас.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти Гондурасни мана шу ва бошқа омиллар асосида «очарчилик ҳукм сураётган» мамлакат рўйхатига киритишига сабаб бўлди.

Аммо экономика тамомила ишдан чиққанлигига қарамай, Гондурас режими уни соғломлаштириш йўлида бирон-бир чора кўришга шошилмаяпти. Жазо аппарати ва армия диктатуранинг террор ва зўравонлиги асосий қуролига айланди. «Ньюсуик» журналининг маълумотларига кўра, Гондурас яқинда жуда катта маблағ эвазига АҚШдан самолётлар ва ҳарбий кемалар сотиб олган.

ТАРБИЯ — ҚИЙИН ИШ ВА УНИНГ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШ — ҲАР БИР КИШИНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИДИР, УЗИНГГА УЗИНГ ВА ЯҚИН КИШИЛАРИНГГА ТАЪЛИМ БЕРИШДАН ҲАМ МУҲИМРОҚ ҲЕЧ НАРСА БУЛИШИ МУМКИН ЭМАС.

СУҚРОТ.

Оқшом суҳбатлари

№7

Одамлар орасида

ТУРМУШ ТАЛАБИ

Метронинг Комсомол бекатида тушиб, бир оғайним билан ўша томонга ошга кетаётган эдик. Катта хиёбондан ўтиб, маҳалла кўчаларига кирганимизда шеригим бир аёл саломига жавоб олди: «Шўрлик» деб қўйди. Лекин у нега шундай деди — буни дарҳол билолмадим. Буни сал кейинроқ фаҳмладим.

«Шўрлик аёл»нинг ёш-версияси олтита бола эди. Кўлида энг кичиги бўлса керак, ўғлини кўтариб, иккинчисининг қўлидан тутиб олган эди. Қўлидан ушлагани онасининг катта-катта қадамини уч-тўртта бўлиб, гоҳо тез, гоҳо чопиб борар эди. Бунинг қўлини эса яна тўртта бирин-кетин ёшли болалар ушлаган ҳолда кетишарди. Энг чеккасида каттаси бўлса керак, ўн яшар чамаси келадиган қиз бола ука-сингилларини қўлидан ушлаб олган. Ёнидагиси бир қўли билан опасини, бошқаси билан кўтирчоғини маҳкам тутганича алланимани уқдириб кетарди.

Бундай манзарани мен кўп кўрганман. Бироқ бу манзара менда бошқача таассурот қолдирди. Ёш аёл, йўл-йўлакай болалари томон ўгирилар, алланарса деб уларга гоҳ танбеҳ бериб, гоҳ жавраб кетарди.

— Болаларнинг битаси мактабга боради, қолгани боғча ёшидагилар, — деди шеригим.

У шундай деганидан бол «шўрлик» деган иборасига бирор маъно борга ўхшади. Ўзимча хаёлга кетдим. ёш жувоннинг эри бир воқеа юз бериб ўлганми, оғир фалокатга йўликканми, нега бундай деди у. Лекин шеригимнинг ўзи бир нарса демагани учун бу ҳақда сўрашга ботинолмадим.

Болалик аёлга кўчакўйда юриш қанчалик қийинлигини кўпинча биз эркаклар тасаввур қилолмаймиз. Хотинлар эртадан кечгача болалар билан бирга бўлар, бола уйда бўлса она оёғига, ҳовлида бўлса этагига ёпишар, қўлга олгин, кўтаргин, кўчага олиб чиқин деб хархаша қилади. Баъзида бир дам ҳоли қўймайди. Эмизиклиги бўлса қўлдан тушмас, юрадиганн қўлда бўлган укасига «рашк» қилар, у ҳам она тиззасида ўтиргиси келар, боғча ёшидагилари бир-бири билан ўйинчоқ талашар, «кирпичоқ» бўлиши турган гап. Бордию, бирин-кетин туғилганлар сони олтита бўлсачи?! Буларнинг хархашасини эркак зотининг бир дам ҳоли қўймайди. Эмизиклиги бўлса қўлдан тушмас, юрадиганн қўлда бўлган укасига «рашк» қилар, у ҳам она тиззасида ўтиргиси келар, боғча ёшидагилари бир-бири билан ўйинчоқ талашар, «кирпичоқ» бўлиши турган гап. Бордию, бирин-кетин туғилганлар сони олтита бўлсачи?! Буларнинг хархашасини эркак зотининг бир умр тасаввур қилолмаса керак. Чунки болани бир зумгина ушлаб турган ё кўтариб овутадиган ота бирпасда чарчайди, ўз боласи бўла туриб «меъдасига тегади», дарҳол ҳудди бегона болани ушлаб тургандай уни онасига топширишга шошилади. Хўш, шундай ҳолда она қаёққа боради?! Ноилож, ўз туққан нуридийдасини бағрига олади, овутади, овутолмаса, боласига кўшилишиб йиғлайди. Шундай пайтларда «осмон йироқ, ер қаттиқ» бўлади. Қалимғи ҳакимлардан бири фарзанд ҳар қанча хизмат қилса ҳам она қарзидан қутила олмайди, деганда ҳудди мана шундай оғир заҳматини назарда тутган бўлса керак.

Биз юриб, маҳаллага ичкарилаб кетдик. аёл болалари билан бизден узоқлашди. Шеригим эшиги очиқ турган бир ҳовлига йўлакай кириб чиқди. У газабидан ўзини тутолмасди:

— Уйда, остонада ўтирибди онаси билан гаплашиб, ҳўкиз ўлгир! — деди у орқасига бир қараб қўйиб.

Мен воқеани тушунмадим:

— Ким гаплашиб ўтирибди? — деб сўрадим.

— Ҳалиги олтита болалик аёлнинг эри, — деди у.

Мен унинг жаҳли чиққан воқеанинг сабабини энди тушуна бошласам ҳам, лекин у нега тутоқиб кетаётгани маъносига етолмасним. Шеригим шарҳлади:

— Ҳалиги аёлнинг эри, Озод деган йигит такси ҳайдайди. Аёл олтита боласини чугурлатиб ҳозир онасиникига кетаяпти, Салор томонга. Шунча болалари билан автобус ё троллейбусга қандай ўтирали-ю, манзилга қандай етади? Эри уни шунча майда болалари билан онасиникига жўнатиб, ҳатто автобусгача чиқариб ҳам қўймабди.

Воқеа менга бироз аён бўлди. Одатда таксичилар пиёда юришмас, майда болали аёли бўлса, ничунки, уни бир жойга пиёда жўнатишни ҳудди унинг ҳамиятига тегиб кетадиган сўкишдай гап. Шеригим мана шунга хафа, бетоқат эди.

— Эҳтимол аёлнинг ўзи таксига тушиб кетар, — дедим мен. — нега бунча хуноб бўлиб кетаяпсиз?

— Э, таксига тушиб кетиш қаёқда, — деди шеригим, — эри автобусга тушиб боришга пул берсаям.

— «Этикдўз яланг оёқ экан-да», — дедим уни бу ҳолатидан қутқармоқчи бўлиб.

Лекин шеригим пайқаган воқеа ачинарли эди. Ахир ўзи уйда бўла туриб олтита боласи билан хотинини шаҳарнинг бу чеккасидан нариги чеккасига — онасиникига шундай жазирама иссиқда жўнатиш, болаларига ўзи бош бўлиб уларни маълум бир транспортгача кузатиб, тушириб юбормаслик йигит кишига айб саналса керак! Ахир йўлда ўша болаларнинг бирортаси билан бирор кор-ҳол рўй берса, нима бўлади?!

Мана шу мулоҳазалар натижасида шеригимнинг нега жаҳли чиққанини, газабини тушуниб олдим. Лекин унинг фамилиясини, у ишлайдиган таксомоторнинг номерини айтмади. Буни мен сўраб ҳам олмадим. Бунинг менга кераги ҳам йўқ эди.

Шу баҳона ўйлаб қолдим: олтита боланинг отаси бўлиш осон экан-у, лекин оталик бурчини тўла адо этиш қийин экан, буни ростмана бажаришга чидаш ҳамманинг ҳам қўлидан келмас экан, бунга баъзиларнинг фаросати ҳам етмас экан.

Чиндан «ота» деган сўзда катта маъно бор. Ота боланинг «эси йўқ пайтида» барча ишкибилигига чидайди, «илонни оғзига олаётган пайти»да уни асрайди, бола аразлаб ўзини ерга отиб «кўксини заҳга» берса «намиқиб» қолмасин, касалга чалинмасин деб кўтариб олинади. Боланинг ёши улгайган сари ташвиши ҳам каттаради, ёшига қараб кийим-кечак, расмли-расмсиз китоб танлаши, кийимни «харидор»га ўтказиш учун савдогарга ўхшаб мақтайди, ўқий олмаса китобни ўқиб беради. Ота болага ҳар куни янги-янги чўпчак, эртак, топишмоқ айтиб беради, ора-чора ранг-баранг ўйинчоқлар, совға-саломлар келтиради, фарзандим зерикмасин деб қайвоност-бегимами, цирками, кўғирчоқ театригами олиб боради, тугилган кунлари келганда болаларнинг ўртоқларн, тенгқурларини чақириб нишонлайди, болаларга хос ҳар хил ўйин, киноларга олиб бориш каби бурч-вазифалар отага юклатилган бўлади.

Мана шу бурчларни ранг-баранг суратда, ҳаёт тақозосига кўра бажариш отадан талаб қилинади. Ҳаётнинг талаби, нуқтаи назаридан қаралса, ота бўлишни ҳам чидаганга чиқазган, дейдилар. Бордию, кимса ота бўлсаю, унинг бурч-талабларига жавоб бера олиш қудратига эга бўлмаса ва бу бурчни бажо келтиришга чидай олмаса, майли ундай киши аччиғидан гаримдори чайнасин! Зеро, она бу бурчни бажо келтираман деб заҳарнинг барча турини ютиб юрибди-ку, нега ота ютмасин?!

А. ИРИСОВ,
Узбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, филология фанлари кандидати.

ЮРИБ турган, ҳар куни ёнингда бўлган азиз одамингдан тўсатдан ажралишдан ҳам оғирроқ мусибат бўлмаса керак. Икромжоннинг суюкли хотини Мунаввар вафот этганида унинг назарида ортидаги тоғ қулагандай, бир қўл, бир оёғи шол бўлгандай ҳис этди ўзини. Шўрлик хотини кейинги пайтда юрак хасталигига чалинганди. Сўнгги марта мактабдаги ишидан эндигина келиб, диванга ўтирганда дард ҳуруж қилиб қолди. Уни шифохонага «тез ёрдам» машинасида Икромжоннинг ўзи олиб борди. У ерда хотини кўп ётмади. Ўн кундан кейин бўлган такрорий юрак ҳуружида жон берди.

Икромжоннинг онаси нозик, дармонсиз, бунинг устига кўзи ҳам анча хира кампир эди. Врачлар унга ўчоқ ёнига яқинлашмасликни маслаҳат беришган. Катта қизи Моҳинур эндигина тўққизга кирган, унга ҳали қозонтовоқни ишониб бўлмасди. Икромжон хотини вафот этганидан бери кеч бўлди ишхонадан уйга шошар, кичик қизи Наргиза ва ўғли Хуршидни боғчадан олиб келиб, кечки таом тайёрлашга киришарди. Эрталабки нонуштадан сўнг болаларни кийинтириб, боғчага, ундан ишхонасига шошилар, дам олиш кунлари бозорга бориш. кир-чир ювиш, уларни дазмоллаш билан ўтарди. У рўзғор ташвиши нима эканлигини. «тўрт бўйра» катталигидаги уйдаги майда-чуйда ишлар бир одамни чарчатишини шу пайтда жуда яхши ҳис этиб, марҳум хотинига ачинди.

Мунаввар вафот этганидан кейин бир ярим йилча ўтгач, уч ёшли Хуршидни сурункали ангинаси қийнай бошлади. Болани операция қилиш зарур эди. Икромжон қишлоқда яшайдиган опасига рўзғорни топшириб, ўзи ўғли билан шифохонага ётди.

Ота-бола шифохонага тушган кунининг учинчиси, ҳали Хуршид операцияга ётқизилмаганди. Икромжон оқшом ўғлини етаклаб, шифохонанинг салқин хиёбонини сайр эттани чиқди. Хуршид отасининг олдида пилдираб юриб, скамейкалардан бирида гурунглашиб ўтирган уч аёлдан бирининг оёқларидан қучоқлаб, унга талпинди. Аёл оппоқ, лўмбоқ болани бағрига босди. Бу манзарани кўрганлар: «Онасига ўхшатди! Онасига ўхшатдия!» деб кулишди, болани суйиб эркалатишди...

Шу-шу Икромжон билан Ҳожияхон (аёлнинг исми шундай эди) орасида илиқ муносабат бошланди.

Икромжон ўғли согайгач, шифохонадан чиқиб кетаётиб, Ҳожияхонга эсдалик учун Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» китобини совға қилди. Китоб орасида конверт ҳам бор эди. Икромжон китобни Ҳожияхонга тақдим этаркан, конвертни ҳеч ким йўғида очишини илтимос қилди. Ҳожияхон ҳаяжонланиб конвертни очганида эса, унда Хуршиднинг бир ёшга тўлган кунида олдирилган рангли сурати чиқди. Унинг орқасига қуйидаги сўзлар ёзилганди: «Ҳожияхон! Шу йигитчанинг онаси бўлишингизни жуда-жуда истардим! Икромжон!»

Ҳожияхон сарҳуш бир кайфиятда суратни сийнасига босди.

Оила даврасида

ЭР ВА ХОТИН БУРЧИ

Куз кунларининг бирида уларнинг тўйлари бўлди.

Аммо Ҳожияхон билан Икромжон тотув яшаша олишмади, Келин бўлиб тушганига бир ой, икки ой, кўйингчи, беш ой ҳам бўлибдики, онла аёлга эга бўлганлиги учун сезилмасди. Ҳожияхон эрталаб етти-етти яримда ишга кетар, уйга аксарият соат тўққиз-ўнларда қайтарди. Учтўрт марта унга ишонич натижасида кечқурун болалар иссиқ овқатсиз қолди.

Икромжон ўзича оиланинг топиш-тутиши ҳам, маҳалладаги обрў-эътибори ҳам яхшилигини, лекин бу ташқи гўзаллик бўлиб, аслида уйида ҳеч бир фароғат йўқлигини ҳис эта бошлади. Ҳожияхон хамир овқат, пиширик қилишни, мураббо тайёрлашни, сабзавот-мева консерваланши билмасди. Билмаслик айб эмас, сўраб ўрганиш мумкин. Ҳожияхонда эса рўзғор ишларига қизиқиш умуман йўқ эди. Бундай шароктда оилада аччиқ-араз гаплар бўлиши табиий.

Эр-хотин ўртасидаги совуқ муносабатлар тобора кучайиб, охири иш ажралиш билан тугади. Шундай қилиб, олий маълумотли, ҳаётнинг паст-баландини кўрган, хизмат бурчини туппа-тузук бажариб келаётган аёл оналик вазифасини уддалай олмади. У Икромжон оиласи учун қуёш бўлиб балқи-ю. иситмади. Болаларнинг мурғак, содда қалбидан ҳақиқий она бўлиб ўрин ололмади. Ўзга болаларни оқ ювиб, оқ тараб ўстириб, иззат-ҳурматга эришган кўплаб оналар сингари бўлолмади.

Мен шу воқеа таассуроти билан юрганимда, бир танишим уйланмоқчи бўлиб юрган кезлари бошидан ўтган воқеани гапириб берди. Бу хам Ҳожияхон воқеаси сингари эди. Қуйида шу ҳикояни айнан келтираман.

«Ўшанда армия хизматини ўтаб келиб, автобазалардан бирида шофёрлик қилаётгандим. «Маз» машинаси ҳайдардим. Яқин қариндошим ўртада туриб, бир врач қиз билан таништирди. У пайтларда мен содда, тортинчоқ йигит эдим. Қиз анча дадил экан.

Биринчи учрашувимизда кинога тушдик, сўнг шаҳар боғларидан бирида сайр қилдик. Кейин яна бир-икки «Пешонангизга бари-бир шофёр ёзилган экан-да», дедим кулиб. У ҳам кулди, кейин кўзини олиб қочиб, секингина: «Ҳа, ўшанлаги гапим аҳмоқона бўлган эди» деди.

Шундай воқеаларни эшитганингда аёлнинг оилавий бурчи, эр-хотинликнинг қонун-қоидалари ҳақида ўйлаб қоласан киши. Ўтмишдаги феодал урф-одатлар хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқини чеклаб, уни эркак кишининг чўрисига айлантирганди. Янги социалистик жамият эса хотин-қизларни жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айлантирди. Бизнинг замонда хотин-қизларнинг ижтимоий меҳнатда фаол иштирок этиш билан бирга фарзандлар тарбияси билан ҳам шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё.

Шу жиҳатдан қараганда, меҳнатдан сўнгги бўш вақтларида ошхўрлик, пивохўрликнинг пайидан бўладиган, рўзғор ишига дуруст қайишмайдиган эркаклар нотўғри қилганидек, ижтимоий меҳнатда қатнашиш баҳонаси билан рўзғор юмушларини ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган, қолаверса, фарзандлар тарбияси ижтимоий вазифа эканлигини унутган аёлларни ҳам маъқуллаб бўлмайди.

Германия Демократик Республикасида турмуш қураётган қизлар ЗАГСдан ўтишдан аввал уч ойлик уй тутиш курсини битиришлари шарт экан. Бизда ҳам бу борада анча ишлар қилинаётганига қарамасдан, рўзғор ишларини билмасликни айб ҳисобламайдиган, ҳатто, бу нуқсони билан мақтанадиган хотин-қизларни учратиш мумкин. Бўни аёл эркини нотўғри тушуниши ёки уни суиистеъмол қилиш оқибати, деб баҳолаш мумкин.

Ҳалқда «эр-хотин — қўш ҳўкиз». деган нақл бор. Бу бир қарағанда анча қўпол бўлса ҳам, аслида жуда топиб айтилган гапдир. Омоча битта ҳўкизни қўшсангиз, тортолмай ўлиши мумкин. Икки ҳўкизни қўшсангиз-ку, лекин ҳўкизларнинг бири тортиб, бири тортмаса, омоч синади. Иккиси баравар тортса, омоч ҳам синмайди, ҳўкиз ҳам ўлмайди, ер яхши ҳайдалади. Оила ҳам шунга ўхшаган. Унда эр-хотин оила юкини баравар кўтарса, бир-бирига ҳамкор, мададкор бўлса, турмуш ширин бўлади.

Рўзғорда ҳар ким ўзига яраша юмушни бажаргани маъқул. Қолаверса, болалар отадан кўра онага яқинроқ бўлишади. Шунинг учун оналар бўш вақтларини ўпроқ фарзандлар тарбиясига бағишласа, тўғри бўлади. Аёл саранжом-саришта, фарзандларига парвона бўлгандагина, хонадон обод бўлади. Бундай оналарда яхши фарзандлар ўсиб, волга етади.

А. ЭГАМНАЗАРОВ.

«ИНСОН — ҲАЁТ ГУЛТОЖИ» АНКЕТАСИ

саволларига атоқли ёзувчи Мирзакалон ИСМОИЛИЙ жавоб беради:

1. Инсонийлик деганда қайси фазилатларни тушунасиз?

2. Қандай одамни ёмон кўрасиз ва нима учун?

3. Умрингиздаги энг бахтиёр дамларни айтсангиз.

4. Эътиқод масаласига қандай қарайсиз?

5. Оилада, фарзандларга муносабатда энг муҳим нарса нима деб ҳисоблайсиз?

6. Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?

1. Одам бўлиб туғилишнинг ўзи бир фазилат. Шунинг учун ҳам улуғ Горький: «Инсон — мағрур жаранглайди» деб, инсон сўзининг биринчи ҳарфини катта И билан ёзган эди. Инсон шу қадар улуғ! Ахир одам боласига насиб қилинган энг буюк ҳислатларни: яхшиликни, саховатпарварлик ни и, ростгўйликни, покликни, оламохунликни — шулар каби олий хислат ва фазилатларни ўзида, сўзида, хатти-ҳаракатида, бутун умрида кўрсатиб келган одам — ҳақиқатан ҳам, бош ҳарф билан ёзилса арзийдиган чин инсондир. Аммо шундай хислат ва фазилатларнинг ҳаммасини ўзида жамлаган одамни ҳали мукаммал инсон деб айтолмаймиз. Инсон майли ва ихтиёрини халқпарварлик, ватанпарварлик, юксак инсоний идеал ҳисобтуйғулари бошқармаса, ундай одам халқ бошига, ватан бошига қора кун тушганда ватан тақдирини эмас, сабил жонини ўйлаб қолади. Кимийки ватан ҳимоясига чап беришди, у — тубанлар тубани, ярамаслар ярамаси, хоинлар хоини, сотқинлар сотқини, сабил жон чувалчанг! Менинг назаримда, одам боласи ҳар қандай маиший хатолардан ҳоли эмас, камчиликлар бўлиб туради. Лекин ватан бошига қора кун тушганда уни ҳимоя қилишдан бош тортган, ўзини сичқон нинга урган, асоссиз баҳоналар билан чап берган одам замон нафратига, халқлар, авлодлар нафратига учрайди!

Шу ерда бир аянч воқеа эсимга тушиб кетди. Машъум 1941 йил. У маҳал мен бир инкобил муассасада алабий ходим бўлиб ишлар эдим. Ўнлаб ходимларимиз жангу жадал майдонларига жўнаб кетишди. Улар қаторида мен ҳам бор эдим. Бешта болам бор эди. Ахир уларнинг бугунини, эртасини, келажагини, бахту саодатини, ҳур-озод инсон бўлиб яшаш шарафини энг аввал ўзим ҳимоя қилишим керак эди.

Беш боламни ташлаб урушга кетдим. Аммо менидан кучли, бўйи-басти келишган, кўзқошлари қора, бақувват бир хизматдошим бор эди, чап бериб, муқаддас бурчини бажаришга бормади. Уруш қаҳрамон совет халқининг миллионлаб берган қурбонлари эвазига, довюрак жангчилар зўри-запти билан улуғ ғалабага эришдик. Мен 1946 йили Берлиндан Тошкентга ғалаба билан келиб. дўстлар даврасида чақчақлашиб ўтирган эдим, Ватан ҳимоясига чап бериб, сабил жонини кавакда сақлаб қолган собиқ хизматдошларимдан бири қадаҳ кўтариб: «Ҳали Гитлер экан-у, у лаънатидан минг чандон ашаддийси бош кўтарса ҳам яначб ташлаймиз. Мана, ўзимиз кафил!» деб қолмайдими! Ҳангманг бўлиб қолибман. Нима учун бу гапини уруш бошида айтмади? Нима учун тенгқурлари, эл қатори урушга бормади? Ҳайит ўтгандан кейин чалинаётган карнай-ку бу! Башарасига туфламадим-у, туфлагандан баттар қилиб ҳўмрайиб қарадим. У тушуниб, дарҳол ерга қараб олди. Мен уни қаерда, қачон кўрмай, нафратим кўзғаб. юзимни тескари ўгириб олганман. Демак, инсон деганимизда биз унинг киёфасини, башарасини назарда тутмас эканмиз-да! Биз бундай деганимизда унинг ички дунёсини, қалби поклигини. мукаддас нарса билан нажас нарса фарқига борадиган диди баланд, фаросати ўткир, жасоратда, довюраклигда ҳеч кимдан қолишмайдиган, ватан тақдири олдида ҳеч кимдан, ҳеч нарсадан қўрқмайдиган, ҳатто азиз жонини қурбон қилишга ҳам тайёр турган ҳақиқий халқ фарзандини, ватан фарзандини кўзгунимизда тутамиз.

Бор бўлсин шундай одамлар!

2. Қандай одамларни ёмон кўришим биринчи саволга берган жавобларимдан ҳам маълум бўлгандир. Иккиюзлама, кўрқоқ, сотқин, виждонсиз, муғомбир, порахўр, олғир, учар, тамаъгир, мунофиқ, бир чақа устида ўзини аброй қилиш учун ҳар қандай пастга ярамаслар, сотқинлар сотқини, сабил жон чувалчанг! Менинг назаримда, одам боласи ҳар қандай маиший хатолардан ҳоли эмас, камчиликлар бўлиб туради. Лекин ватан бошига қора кун тушганда уни ҳимоя қилишдан бош тортган, ўзини сичқон нинга урган, асоссиз баҳоналар билан чап берган одам замон нафратига, халқлар, авлодлар нафратига учрайди!

Шу ерда бир аянч воқеа эсимга тушиб кетди. Машъум 1941 йил. У маҳал мен бир инкобил муассасада алабий ходим бўлиб ишлар эдим. Ўнлаб ходимларимиз жангу жадал майдонларига жўнаб кетишди. Улар қаторида мен ҳам бор эдим. Бешта болам бор эди. Ахир уларнинг бугунини, эртасини, келажагини, бахту саодатини, ҳур-озод инсон бўлиб яшаш шарафини энг аввал ўзим ҳимоя қилишим керак эди.

Беш боламни ташлаб урушга кетдим. Аммо менидан кучли, бўйи-басти келишган, кўзқошлари қора, бақувват бир хизматдошим бор эди, чап бериб, муқаддас бурчини бажаришга бормади. Уруш қаҳрамон совет халқининг миллионлаб берган қурбонлари эвазига, довюрак жангчилар зўри-запти билан улуғ ғалабага эришдик. Мен 1946 йили Берлиндан Тошкентга ғалаба билан келиб. дўстлар даврасида чақчақлашиб ўтирган эдим, Ватан ҳимоясига чап бериб, сабил жонини кавакда сақлаб қолган собиқ хизматдошларимдан бири қадаҳ кўтариб: «Ҳали Гитлер экан-у, у лаънатидан минг чандон ашаддийси бош кўтарса ҳам яначб ташлаймиз. Мана, ўзимиз кафил!» деб қолмайдими! Ҳангманг бўлиб қолибман. Нима учун бу гапини уруш бошида айтмади? Нима учун тенгқурлари, эл қатори урушга бормади? Ҳайит ўтгандан кейин чалинаётган карнай-ку бу! Башарасига туфламадим-у, туфлагандан баттар қилиб ҳўмрайиб қарадим. У тушуниб, дарҳол ерга қараб олди. Мен уни қаерда, қачон кўрмай, нафратим кўзғаб. юзимни тескари ўгириб олганман. Демак, инсон деганимизда биз унинг киёфасини, башарасини назарда тутмас эканмиз-да! Биз бундай деганимизда унинг ички дунёсини, қалби поклигини. мукаддас нарса билан нажас нарса фарқига борадиган диди баланд, фаросати ўткир, жасоратда, довюраклигда ҳеч кимдан қолишмайдиган, ватан тақдири олдида ҳеч кимдан, ҳеч нарсадан қўрқмайдиган, ҳатто азиз жонини қурбон қилишга ҳам тайёр турган ҳақиқий халқ фарзандини, ватан фарзандини кўзгунимизда тутамиз.

Бор бўлсин шундай одамлар!

2. Қандай одамларни ёмон кўришим биринчи саволга берган жавобларимдан ҳам маълум бўлгандир. Иккиюзлама, кўрқоқ, сотқин, виждонсиз, муғомбир, порахўр, олғир, учар, тамаъгир, мунофиқ, бир чақа устида ўзини аброй қиладиган паст, ярамас одам — менинг нафратим боисидир. Мен одамлар шаънига кўп хунук доғ бўлиб тушган шу қора сифатлар орасида ҚЎРҚОҚ деган сўзни ҳам тилга олдим. Билсангиз, қора сифатлар орасида энг қораларидан бири шу сўз. Кўрқоқ одам, энг аввало, сотқин бўлади. Ўзининг сабил жонини сақлаб қолиш учун ҳудосини ҳам, бандасини ҳам, ҳатто онанзорини сотишдан ҳам тоймайдиган кўп баттарин мавлуқдир у. Мана шу қора сифатларнинг ҳаммаси эмас, ҳатто биттаси кимнингки хатти-ҳаракатида, умр йўлида намоён бўлибди — у ҳақиқат, адолат, тўғрилик, поклик душманидир, демак, менинг ҳам душманим!

3. 1945 йилнинг 9 Майи. Берлин даҳаларининг бирида, кичкина бир чакалакзорда қуролдош дўстлар осмонга қараб қувонч, ғалаба туйғуларини узишяпти! Ҳамма ёқда бахт, ғалаба, қувонч садолари, пала-партиш отаётган ўқлар овози! Мен шу замон гоҳ-ларни сафида экан-лигимдан беҳад шод, беҳад бахтиёр бўлган эдим.

4. Эътиқод — инсоннинг инсон бўлиб қолишида, ҳар қанча узун бўлса ҳам қисқалик қиладиган умрида ҳар бир қадамини ўринли бостирадиган, соғлом ақлу-заковат, сония-ларидан йиллар маҳсулини олиб берадиган ҳаёт омили бу. Эътиқодсиз одам — ярим одам, балки ҳеч нарсага ярамайдиган одаммасдир. Яшасанг-у, нимага яшаётганингни, нимага интилаётганингни билмасанг. — шу ҳам яшаш бўптими!

5. Ҳаёт, бир жиҳатдан, эстафетага ўхшаб кетади. Ҳа, чиндан ҳам шундай. Нимага десангиз, бир авлод, яъни ота-она, узунмикисқами умрида топган-тутганини ўзидан кейин келаётган авлодига, яъни фарзандларига ташлаб кетади. Булар ҳам бир кун келиб, бор-йўғини ўзидан кейинги авлодга қолдиради. Ҳеч ким ҳеч нарсани олиб кетмайди. Лекин ҳамма ган нимани қолдиришда. Дангиллама уйлар, гиз-гиз учиб турган машиналарними? Йўқ, умрбоқи мерос бўлолмаяли булар. Ота-боболарнинг болаларига мерос қилиб қолдирадиган энг қимматли нарсаси — одоб-ахлоқ. одамийлик бобидаги таълим-тарбиясидир. Болаларни замон йўлига, одамийлик йўлига, виждон йўлига туширишнинг яна бошқа аҳамияти ҳам бор. Болалар ота-она багрида яхши тарбия олиб. яхши одамлар бўлиб етилишса, демак, жамият ҳам пок виждон уясига айланади. Жамиятда ҳаёллик, тўғрилик, инсоф ҳукмрон бўлади. Оилада яхши интизом, яхши ахлоқ, яхши тотувлик, катта-кичик ўртасида ҳурмат ибратини мутлақо ота-она кўрсатади. Болалар ота-оналарининг қанақалигини кўриб кўзлари пишса, кейин ўзлари ҳам ўшанақа ота-она бўлиб етилишади. Улар ҳам болаларига ота-оналаридан ўрганганларини ўргатишади. Шу тариқа ҳаёт омили бу масалада ота-она жуда-жуда ҳушёр бўлиши, бўлар-бўлмас сўзларни оғзига олишдан сақланиши керак.

Шу ерда яна бир масалани айтиш келади. Баъзи оналарда болаларни ёмон сўзлар билан ҳақорат қилишади. Ит дейишади, эшак дейишади, тўнғиз дейишади, қўйингчи, оғизларига келганини бўғизларидан қайтаришмайди. Бу ёмон, жуда-жуда ёмон, совуқ қилиқ! Болада ҳам нафсоният бор. Нафсониятига тегилса, менсимай ҳақорат қилинса, болалар ичичидан эзилишади, қаттиқ хафа бўлишади. Улар ҳам одам ахир!

Мен ўғил-қизларимни шу руҳ, шу тартибда тарбия қилган эдим. Энди неваралари-мни, жонимдан азиз ширин-шакарларим н и шу тақлид тарбиялаяпман.

«Хўш, неваларингиз ёмон иш қилиб қўйишса нима деб сўкасиз?» деярсиз балки? Ҳа, мен ҳам сўкаман. Аммо бу «сўкиш» деган сўз, менинг сўкишимни акс эттиролмайди. Мен беозоргина, ширингина қилиб: «О, ярамас!» дейман.

6. Ажойиб замонамга ҳам, жонажон давлатимга ҳам минг-минг шукурлар бўлсинким, қариб қолганда ҳитирлаб турсин, деб Тошкентнинг Улугбек маҳалидан, баланд қир тепасидан бир парча ер берган. Пастда — Заҳариқ, тепада мусаффо осмон: рўпарада — поёни йўқ мевазор, яшил чаман! Гоҳо ер чопаман, кўчатларга сув қуяман, ишлаб роҳат қиламан. Бу ишлар менга жисмоний жиҳатдан куч берса, табиат гўзаллиги ижодимга илҳом беради.

Ишхона — иккинчи дунёмиз

ҚАДР

Бир неча кундирки, Қодир отанинг қовоғидан қор ёғади. Отанинг бу қадар тўнини тескари кийиб олганидан маҳалладошлар ҳам, қариндош-уруғлар ҳам ҳайрон. Ҳатто унинг қадрдон кампири ҳам чолининг дилини тополмай ҳуноб. Унга нима бўлди?

...Пўл қурилиши баҳонаси билан Қодир отанинг уйи бузиладиган бўлди. Чол-кампирга шу яқин атрофдаги кўп қаватли уйлардан икки хонали квартира беришди. Янги уйининг калити қўлга тегканидан Қодир ота ҳурсанд. Кампир эса ҳуноб.

У бир неча бор: «болаларимнинг кундик қонғи тўкилган уйини ташлаб кетмайман», деб кўз-ёши ҳам қилиб олди. Шунда Қодир ота қулиб: «Хўп қизиқсан-да кампир, эски нураб кетган уйинг ўрнига давлат яп-янги дом берса-ю. сен мана бундай димоғ-фироқ қилиб ўтирсанг-а», деб кампирига тасалли бергандай бўлди. Шу сабабми, ҳар қалай кампир ҳам бора-бора юмшаб қолди.

Қадимгилар «камбағал бўлсанг — қўчиб кўр» деб бежиз айтишмаган. Майда-чуйда, қозон-товоқ дегандай шунча юкни ташиб олишнинг ўзи бўладими? Бунинг учун катта бир машина керак. Қодир ота ўйлай-ўйлай бунинг чорасини топди. Машина сўраб, ўзи ишлаб пенсияга чиққан қадрдон корхонасига борадиган бўлди. Заводнинг каттадан-кичиги Қодир отани ҳурмат қилишади. Директор ҳам ўз ўғлидек бўлиб қолган. Сўраса, бажонидил ёрдам беради.

Қодир ота заволга киришу билан, қалбида қуёш чарақлагандай бўлди. Таниш-билишлар отани ўраб олишди, Ажабо, икки йил ичида шунча ўзгариш. Корхона ҳовлиси кўркамлашиб кетибди. Ҳов ана, тўғрида ялпайл ёниб турган гулларни Қодир ота уйидан олиб келиб экканди. Ўшанда баъзилар: «Бу мияси суйилган чол нима қилаяпти? Шундай тошлоқ ерда гул ўсадими», дейишганди. Мана энди бу гуллар атрофга ажиб тароват бағишлаб турибди.

У қадрдонлари билан мириқиб суҳбатлашди. Ҳамкасблари отанинг янги уй олганини эшитиб, чин дилдан ҳурсанд бўлишди. Ниҳоят Қодир ота директор ҳузурига йўл олди. Қабулхонада уни секретарь қиз тўхтатди:

— Пўл бўлсин?

— Ассалому алайкум, қизим. Яхши юрибсанми? Танимаяпсанми, бу мен — Қодир отангман.

Қиз истар-истамас саломлашди-ю, «Сабр қилинг, директор банд-лар» деб бошлиқ хонасига кириб кетди. Қодир ота асабийлашиб унинг орқасидан ичкарига кирди. Директор бир зум ажабланиб отага термулиб турди-да, кейин:

— Келинг, отам, — деди.

Қодир ота югуриб бориб у билан қўш қўллаб кўришди, ҳолаҳвол сўради.

— Қалай, яхши юрибсизми, болам?

— Юрибмиз.

— Уйдагилар, болалар ҳаммаси тинчми?

— Тинч.

— Планлар бўлаяптими? Қийналмаяпсизларми?

— Бўлаяпти.

— Ўғлим, бир илтимос билан келувдим.

— Қулоғим сизда.

Қодир ота мақсадга кўчди.

— Вой, отам тушмагур-ей, битта машина деб шунчами-шунга келдингизми. Нима қўп кўчада киракаш машиналар кўп. 10 сўм берсангиз олам гулистон.

— Гап пулда эмас-ку, ўғлим... — чайналди Қодир ота.

— Менга қаранг, отам. Очиғини айтай машина беролмайман. Ахир ўзингиз биласиз. Бизда план деган гап бор. Сизга ўхшаган пенсионерлар оллинги меҳнатини пеш қилиб келаверса, мен машина бераверсам. унда план нима бўлади? Буниси-ни ўйламайсизлар-да...

Қодир ота чидаб туролмади. Шарт бурилиб хонадан чиқиб кетди. «Шу ҳам бошлиқ бўлди-ю! Тавба, жилла қуриса, одамгарчиликнинг кўчасидан ўтганмикан, бу нодон. Инсоф деган нарса борми, ўзи бунда? Ҳа, хизматимни қадрламасанг, ёшимни қадрламайсанми? Мен одам деб шуни олдига ёрдам сўраб келдим-ми?»

У анча жойгача гулдираб. асабийлашиб, ўзи билан ўзи олишиб борди.

Шу куни ёшликдаги дўсти Аскаралини учратгани дардини янада зўрайтириб юборди. Аскарали ота ҳурсанд эди.

— Буни қара. Қодир — дердн у кўлидаги телеграммани кўрсатиб. — Бугун тугилган кунним экан. Ўзим билмаган кунни ишхонамлар билишиб, мени табриклашибди. Пенсияга чиққанимга олти йил бўлибди-ку. ҳар йили шунақа тугилган куним билан табриклашади. Заводдан иккинчи вакил келиб, бирон бир совға ташлаб кетади. Қишга ўтин-кўмирни-ку, завод олиб беради. Яхши-ёмон кунларимда ҳам, ўшалар бош-қош. Тунов куни директор чақиртирибди. Нима экан, деб олдига борсам, дабдурустдан, «Ота сиз. заводимизнинг фахрий аъзосисиз. Шунинг учун камчиликлар бўлса, тортинмай айтаверинг», дейди. Хурсанд бўлиб кетганимдан йиғлаб юборибман. Қара. Қодир шунчалик меҳрибончилик бўладими?

Улар хайрлашгач, Қодир ота узоқ хаёлга толди. Бутун умри, кучини, қалб қўрини шу корхонага бахшида этган бўлса-ю, наҳот топган обрўси шу бўлса? Ахир. Аскарали ишлаган корхонанинг ҳам бошлиғи, плани, инт

КИНО

16 ИЮЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР

«ҲАММА НАРСАДАН АЗИЗ» (2-фильм) — **Қозоғистон.**

«ҲАММА НАРСАДАН АЗИЗ» (3-фильм) — **Москва.**

«ҚИЙИН ДАЛА» — **Нукус.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МАШАҚҚАТЛАР ОША ЙЎЛДУЗЛАРГА» — **Санъат саройи** (катта зал, 16.30, жавоб берувчи автомат телефон 44-39-51), **Чайка** (16, 19, жавоб берувчи автомат телефон 77-06-20).

«РИСОЛАДАГИ ЭР» — **Қозоғистон** (жуфт соатларда, жавоб берувчи автомат телефон 35-24-92), **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07).

«СИЦИЛИАНЧА ҲИМОЯ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, жавоб берувчи автомат телефон 96-34-02).

«ТЕРРОР» ОПЕРАЦИЯСИНИНГ ҲАЛОКАТИ» — **Қозоғистон** (16, 17, 20.00 да, жавоб берувчи автомат телефон 35-24-92).

«ДОСТОЕВСКИЙ ҲАЁТИДАН 26 КУН» — **Искра** (17, 20.00 да, жавоб берувчи автомат телефон 39-14-59).

17 ИЮЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ҲАММА НАРСАДАН АЗИЗ» (2-фильм) — **Қозоғистон.**

«ҲАММА НАРСАДАН АЗИЗ» (3-фильм) — **Москва.**

«ҚИЙИН ДАЛА» — **Нукус.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МАШАҚҚАТЛАР ОША ЙЎЛДУЗЛАРГА» — **Санъат саройи** (катта зал, 16, 18.30, жавоб берувчи автомат телефон 44-39-51), **Чайка** (19, жавоб берувчи автомат телефон 77-06-20).

«РИСОЛАДАГИ ЭР» — **Қозоғистон** (жуфт соатларда, жавоб берувчи автомат телефон 35-24-92), **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07).

«СИЦИЛИАНЧА ҲИМОЯ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, жавоб берувчи автомат телефон 96-34-02).

«ТЕРРОР» ОПЕРАЦИЯСИНИНГ ҲАЛОКАТИ» — **Қозоғистон** (16, 17, 20.00 да, жавоб берувчи автомат телефон 35-24-92).

«ДОСТОЕВСКИЙ ҲАЁТИДАН 26 КУН» — **Искра** (17, 20.00 да, жавоб берувчи автомат телефон 39-14-59).

Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти томонидан **Аҳмедова Шоҳра** номига берилган 957925 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Октябрь райони (А. Икромов районидаги 197-ўрта мактаб томонидан **Султонова Нанна** номига берилган 447809 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

А. Икромов (Октябрь) районидаги 123-ўрта мактаб томонидан **Мадмаров Раҳимжон Тургунович** номига берилган 075471 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

УЙ БЕКАЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН!

Ҳар бир хонадонга қанча «майда-чуйда», асбоб-ускуналар кераклигини айтиш қийин. Уларнинг ҳар бири рўзғордаги ишни енгиллатиш, вақтни тежашга хизмат қилади.

«ЧИЛОНЗОР» САВДО МАРКАЗИ

ОШХОНА АСБОБ-УСКУНАЛАРИ ВА МАИШИЙ ЭЛЕКТР АСБОБЛАРИНИНГ КАТТА ТУРКУМИНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ

гўшт қиймалагич, эзғилагичдан пўлатдан ишланган ошхона термалари, қозонлар, сифонлар, ҳовончалар, электр духовкалар, электр плиталар, дазмоллар, электр сув иситгичлар.

ТОЗАЛИК — САЛОМАТЛИК ГАРОВИДИР. Замонавий такомиллашган кир ювадиган ва тозалайдиган воситаларсиз озодалик ва тартибни ўрнатиб бўлмайди.

«ЭГАТА» — тозалайдиган суюқ восита бўлиб, унинг ёрдамида ошхона плиталарини кўп куч сарфламай қисқа вақтда чиннидек тозалаш мумкин. «Эгата» — плита сиртидаги ёғ доглари духовка, шкафи, горелкаси, патнислари, тунукасидаги ёғ доглари ва қурумларни яхши кетказади.

ЯНГИ ТАКОМИЛЛАШГАН ТОЗАЛИК ВОСИТАСИ «ПОМОШНИЦА» ДЕБ АТАЛАДИ. «Помошница» идиш-товоқларни, шиша идишларни, биллурни, сунъий чармни, пластмассани, шунингдек кафель ва пардоз кошинлар, ванна, раковина, линолеумни тозалайди. У барча буюмларни ярқиратади, дезинфекциялайди. «Помошница» ишлатиб бўлингандан кейин квартиранинг ҳавоси ёқимли ва хушбўй бўлади.

«ЧИЛОНЗОР» САВДО МАРКАЗИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

«ЧИЛОНЗОР» САВДО МАРКАЗИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ УЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

ДИҚҚАТ!

«ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИНИНГ

6-ФИЛИАЛИ

ГИЛАМЛАР, ГИЛАМДЎЗЛИК БУЮМЛАРИ, ПОЛОСЛАР ВА ПОЕНДОЗЛАРНИ ХИМИЯВИЙ ТОЗАЛАБ БЕРИШ УЧУН

АҲОЛИДАН ВА ТАШКИЛОТЛАРДАН

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Буюмларнинг размерлари чекланмайди.

Буюртмани расмийлаштириш пайтида буюмларни уйдан филиалга олиб бориш ва қайта уйга етказиб бериш зиммага олинади.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЮЗАСИДАН БУЮРТМАЛАРНИ ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАР ОРҚАЛИ БЕРИШ ҲАМ МУМКИН: 44-52-95, 41-30-25, 41-80-27, 41-80-10.

Маълумотлар олиш учун телефон 53-20-54.

Филиалда гиламлар ва гиламдўзлик буюмларини реставрация қилувчи участка ҳам ишлаб турибди. Бу ерда алоҳида ҳақ бўйича бундай буюмлар тартибга келтириб берилади, уларни ишлатиш муддати янада ошади.

6-филиалнинг ўзида кийим-кечаклари: пальтолар, пиджаклар, шимлар, кўйлаклар ва шунга ўхшаш буюмларни зудлик билан химиявий тозалаб бериш юзасидан буюртмалар қабул қилинади.

«ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИ.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ УМУМИЙ ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИ БИТИРИБ ЧИҚҚАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

СИЗЛАРНИ 1981—82 ЎҚУВ ЙИЛИДА

ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ СИСТЕМАСИДАГИ

ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИГА

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ҲОЗИР СИЗЛАРНИНГ ОЛДИНГИЗДА ҚАТЪИЙ БИР МАСАЛА КУНДАЛАНГ ТУРИБДИ: «КЕЛАЖАКДА ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТАНЛАШ КЕРАК?», «ҚАЕРГА ЎҚИШГА БОРИШ КЕРАК?», «ҚАНДАЙ КАСБ ТАНЛАШ КЕРАК?», «ҲАЁТДАГИ ЎЗ ЎРНИНГНИ ҚАНДАЙ ТОПИШ КЕРАК?». БУ САВОЛЛАРГА СИЗ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИГА ТАШРИФ БУЮРГАЧ ЖАВОБЛАР ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Мамлакатга ишчи қўллари зарур! Завод ва фабрикалар, қурилишлар ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари турли хил касбдаги юқори малакали мутахассисларга муҳтож.

ШАҲРИМИЗДА 51 ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ МАВЖУД БЎЛИБ, УЛАРДА 125 ХИЛ КАСБ БЎЙИЧА 35 000 КИШИ ТАЪЛИМ ОЛМОҚДА.

КЎНГЛИНГИЗГА ЁҚҚАН КАСБНИ ТАНЛАНГ!

9-ШАҲАР ПОЛИГРАФЧИЛАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Билим юрти корректорлар, полиграфия асбоб-ускуналарини созловчилар, автоматларда тикувчилар, саралаш-тикиш машиналарининг машинистлари, ҳарф терувчилари, линотипистлар, печатниклар, ўрта маълумотли муқовасозларни тайёрлаб чиқаради.

8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15—18 ЁШЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳар, Чилонзор район, Нурхон кўчаси, 21-уй (7, 9, 13, 16-троллейбуслар, 2, 3, 33, 34, 50, 54, 84, 131-автобусларнинг «Волгоград» кўчаси бекати. «СССР 50 йиллиги» метро станцияси). Телефонлар 77-10-56, 77-10-33, 77-13-79.

В. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Тошкент экскаватор заводи базасидаги

86-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Токарь (программали бошқариладиган станокда ишловчи). Ўқиш муддати 3 йил.

Учиш аппаратларини йиғувчи слесарлар. Ўқиш муддати 3 йил.

Слесарь-механик. Ўқиш муддати 3 йил.

Саноат жиҳозлари ремонти бўйича слесарь. Ўқиш муддати 3 йил.

Дипломли газ-электр пайвандчи. Ўқиш муддати 3 йил.

Электр кўприкли кранлар машинисти. Ўқиш муддати 3 йил.

ОТК контролёри. Ўқиш муддати 3 йил.

Металл бўйича универсал токарь (Бу касбдагиларга 80 сўм ҳажмида стипендия тўланади). Ўқиш муддати 1 йил.

Автослесарь. Ўқиш муддати 3 йил.

Ремонтчи-слесарь (саноат жиҳозлари бўйича. Бу касбдагиларга 70 сўм ҳажмида стипендия тўланади). Ўқиш муддати 1 йил.

Слесарь-механик (механика-йиғув ишлари). Ўқиш муддати 1 йил.

Электр кўприкли кранлар машинисти (Бу касбдагиларга 70 сўм ҳажмида стипендия тўланади). Ўқиш муддати— 1 йил.

Электр пайвандчи (Бу касбдагиларга 30 сўм ҳажмида стипендия тўланади). Ўқиш муддати 1 йил.

ОТК контролёри (Бу касбга қизлар имтиёзли равишда қабул қилинади). Ўқиш муддати 1 йил.

Билим юртига 8— 10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган йигитлар ва қизлар қабул қилинади.

Билим юртига қабул қилинганлар уч маҳал иссиқ овқат ва кийим бош билан таъминланадилар.

Ўқиш даври иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртида 2 та техника ижодкорлари тўгараги, радиоҳаваскорлар тўгараги, фото тўгарак, 8 та бадиий ҳаваскорлар тўгараги, ўзбек халқ чолғу-асбоблари ансамбли, вокал-чолғу асбоблари ансамбли ва ҳоказолар мавжуд.

10 та спорт секцияси ишлаб турибди.

Езги каникул даврида ўқувчилар «Чимён» лагерига борадилар, Ватанимиздаги қаҳрамон шаҳарларда бўладилар.

Билим юртини тамомлаганлар олий ўқув юртига имтиёзли қабул қилинадилар.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Содиқов кўчаси, 6-уй (4, 5-троллейбусларнинг «Экскаватор заводи», 3, 22, 23, 29-трамвайларнинг «Старт» стадиони» бекатлари). Телефон 35-61-30.

«Главташкентстрой» базасидаги

22-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Қуйидаги ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди: қурилиш дурадгори, қурилиш бўёқчиси, пардозловчи-кошинкор, электр-газ пайвандчи. Ўқиш муддати — 3 йил. 8 синф ҳажмида маълумоти бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати 1 йил бўлган группаларда: дурадгор, паркет ётқизувчи, пардозловчи, электр пайвандчи, конвейер линиялари ускуналарида пультни бошқарувчи оператор. 10 синф ҳажмида маълумоти бўлган йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

Билим юртига қабул қилинганлар ётоқхона билан таъминланадилар, Тошкентга прописка ўтказиладилар.

Техника-билим юрти ўқувчилари ўқиш даврида уч маҳал бепул овқат, байрамларда ва ишга қийиладиган кийим-кечак билан таъминланадилар, ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 проценти ҳажмида мукофот пули оладилар.

Бир йил ўқийдиган ўқувчиларга ойига 30 сўм стипендия берилади.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаганлар олий ўқув юртларига йўлланма олади лар ва имтиёзли равишда ўқишга кирадилар.

Билим юртида бадиий ҳаваскорлик, вокаль-чолғу асбоблари ансамбли тўгараклари, спорт секциялари ишлаб туради.

Адрес: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Ахсахан кўчаси, 12-уй (5-трамвайнинг «Зеленый бозор» бекати, 1, 22-автобуснинг «Дегтярев кўчаси» бекати). Телефонлар: 91-26-47, 91-29-50.

158-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ БИЛИМ ЮРТИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ҚУРИЛИШЛАРДА ИШЛАШ УЧУН **бўёқчи** (қурувчи), **дурадгор** (қурувчи). **Ўқиш муддати—3 йил; электр пайвандчи, бадиий безаш бўйича бўёқчи, суводчи-пардозловчи-кошинкор, дурадгор-паркетчи. Ўқиш муддати — 1 ва 3 йил.**

8—10 синф ҳажмида маълумоти бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

10 синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати — 1 йил. 45 сўм стипендия тўланади. Ўқишга кирганлар уч маҳал бепул овқат билан таъминланадилар, ишлаб чиқариш практикасида топган иш ҳақларининг 50 процентини оладилар.

8 синф ҳажмда маълумотлилар учун ўқиш муддати —3 йил. Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал бепул овқат, кийим-кечак билан таъминланадилар, ўрта маълумот оладилар. Ишлаб чиқариш практикаси даврида топган иш ҳақларининг 50 процентини тўланади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар ва Тошкент шаҳрига прописка ўтказиладилар.

АРИЗАЛАР ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Қоратош кўчаси, 44-уй. (64, 65-автобуслар, 1, 2, 4, 6, 7, 8, 18-троллейбуслар; 7, 8, 11, 16-трамвайларнинг «Хадра» бекати).

«Узэлектромонтаж» ихтисослаштирилган трести базасидаги

11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: ёритиш тармоқлари бўйича электромонтажчилар, кучланиш тармоқлари ва электр ускуналар бўйича электромонтажчилар, электрослесарлар, электр-газ пайвандчилар, никкиламчи ҳалқасимон коммутациялар бўйича электромонтажчилар, контрол-ўлчов асбоблари ва автоматлар ремонти бўйича слесарь, киномеханик (фильм текшириш ишларини бажара оладиган), **радиотелевизион аппаратларга хизмат кўрсатиш ва ремонт қилиш бўйича радиомеханик** (фақат 10 синф ҳажмида маълумотлилар).

ЎҚИШ МУДДАТИ—1—2—3 ЙИЛ.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

8— 10 синф ҳажмида маълумоти бўлган, 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинадилар.

8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганлар 3 йил ўқийдилар ва тўлиқ ўрта маълумот тўғрисида диплом оладилар ва касб эгаллайдилар. Улар кунда 3 маҳал овқат ва кийим-кечак билан таъминланадилар; 10-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганларга (киномеханиклар ташқари) ойига 76 сўм ҳажмида стипендия берилади. Электромонтажчилар группасининг ўқувчилари ишлаб чиқариш практикасини ўтаётган даврларида топган иш ҳақларининг 50 процентини, қолганлар эса 33 процентини оладилар.

Билим юртида эшкак эшиш ва бокс бўйича ихтисослаштирилган спорт группалари тузилмоқда.

Совет Армияси сафидан запаса бўшатилиб электромонтажчи ихтисоси бўйича ўқишга кирган ёшларга ётоқхонадан жой берилади. Ўқиш муддати қисқартирилган —10 синф ҳажмида маълумотлилар—7,5 ой, 8-синф ҳажмида маълумотлилар эса 10,5 ой ўқийдилар.

Машғулотлар— группалар комплектлангандан кейин бошланади.

Билим юртини тамомлаганлар техникум ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳода тамомлаганлар ўқишни давом эттириш учун ўрта ёки олий ўқув юртларига ўқишга юбориладилар. Уларнинг корхоналарда ишлашлари шарт эмас.

Билим юртида спорт базаси бор, спортнинг 14 та секцияси ишлаб турибди. Техника ижодкорлари, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари мавжуд.

Машғулотлар— 1 сентябрдан бошланади.

Аризалар ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Ивановолик тўқувчилар кўчаси, 8-уй (2, 3, 18, 33, 34, 45, 54, 58, 66, 70, 79-автобуслар; 4, 7, 9, 11, 14, 24, 28-трамвайлар; 2, 6, 13, 15, 16-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

5- ТОШКЕНТ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Эркаклар устки кийимларини тикиш бўйича тикувчи-моторист, аёллар устки кийимларини тикиш бўйича тикувчи-моторист, аёллар ва болалар енгил кийимларини тикиш бўйича тикувчи-моторист, тикув оуюмлари контролери.

8 синф ҳажмда маълумот билан кирган ўқувчилар 3 йил ўқиб, ўрта маълумот ва ихтисос оладилар, кийим-кечак ва бепул овқат билан таъминланадилар; 10 синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати 1 йил, ойига 30 сўм стипендия берилади. Ишлаб чиқариш практикаси даврида топган иш ҳақларининг 50 процентини оладилар. **Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.**

Билим юртида «Қизил чинниғул» комсомол-ёшлар клуби тузилган бўлиб, техника ижодкорлиги, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида, спорт секцияларида машғулотлар ўтказилади.

Билим юртини аъло баҳода тамомлаганлар тайёрлов Советининг қарори билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кундузги бўлимига ўқишга тавсия қилинадилар.

Билим юртини тамомлагандан сўнг Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлайдилар.

Адрес: Тошкент шаҳри, 100 алоқа бўлими, Б. Хмельницкий кўчаси, 55-уй (4, 7, 8, 9, 11, 14, 24, 28-трамвайлар; 2, 3, 18, 45, 50, 54, 57, 58, 80-автобуслар; 2, 6, 13, 14, 15, 16-троллейбусларнинг «Театральная» бекати). Телефон 53-36-45.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ

Ф. ҲЎЖАЕВ НОМЛИ 1-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ БАЗАСИДАГИ

143-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: ПОЙАФЗАЛ БОШЛИҒИНИ ЬИЧУВЧИ, ЗАГАТОВКА ТИКУВЧИ, ПОЙАФЗАЛ ТИКУВЧИ, ТАНЕР МАҲСУЛОТНИ ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИ КОНТРОЛЕРЛАР, ЧАРМ-ГАЛАНТЕРЕЯ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТИКУВЧИЛАР, СЛЕСАРЬ-РЕМОНТЧИ, ЭЛЕКТРОМОНТЕР, КОНСТРУКТОР-МОДЕЛЬЕР.

Билим юртига қабул қилинган 8— 10 синфни тамомлаган ўқувчиларга ҳамма ҳунарлар бўйича ўқиш муддатв 6 ой ва улар 70 сўм стипендия билан таъминланадилар. Практикада ишлаган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Билим юртини битирганлар Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасида ва чарм-галантерея фабрикасида ишлайдилар.

Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариш учун пойафзалчилар маданият саройи ва ундаги туристик ва спорт, ҳаваскорлик тўгараклари мунтазам ишлаб туради.

Билим юрти қошида ишчи ёшлар мактаби бор.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирган ўқувчиларга техникум ва институтларга кириш учун йўлланма берилади.

Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) **соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (122, 123-автобуслар, 2, 3, 6, 14-троллейбусларнинг «Пойафзал фабрикаси» бекати). Телефонлар 53-99-91, 53-99-04.

ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ СИСТЕМАСИДАГИ БИЛИМ ЮРТЛАРИГА КИРИШ УЧУН ҚАБУЛ КОМИССИЯЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ЛОЗИМ:

ҳунар-техника билим юртига кириш ҳақида билим юрти директори номига танлаган касбингиз кўрсатилган ариза, ўрта мактабни битирганлик ҳақидаги ҳужжат (гувоҳнома ёки аттестат), медицина справкаси (286-форма), 3 та фотосурат (3х4 см.), корхона ёки ташкилотнинг йўлланмаси (ўқишга ташкилотлар томонидан юборилаётган шахслар учун).

Билим юртига келиши билан ўқишга кирувчи ўз паспорти, ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома (ҳарбий хизматга чақирилиш ёшидаги шахслар учун), ҳарбий билет (запаслари ҳарбий кишилар). бу ҳужжатлар ўқишга кирувчининг шахси^ делосига ёлиш учун талаб этилади.

Билим юртига кириш ҳақида ариза берган шахс танлаган касби бўйича ишлаш учун соғлиги ва жисмоний ҳолати яроқлилигини аниқлаш учун медицина кўригидан ўтади.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

16 ИЮЛЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси.

ОЖАРИСТОН АССРНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

18.20 «Ожаристон бўйлаб». Телевизион ҳужжатли фильм. 18.45 Ожаристон АССР Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.35 «Фан оламида». Академик А. Н. Несмеянов. 20.20 Марказий телевидение экранида биринчи марта. «Очиқ ҳавода эркаклар ўйини». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 «Тинчлик ва дўстлик поэзияси». СССР ёзувчилари VII съезднинг делегатлари ва чет эллик меҳмонларнинг М. Горький номли Марказий маданият ва истироҳат боғида китобхонлар билан учрашуви. 22.45 «Дунё воқеалари». 23.00 «Тинчлик ва дўстлик поэзияси» кўрсатувининг давоми. 23.35 М. Тариердиев романсларини РСФСРда хизмат кўрсатган артист И. Лебедева ижро этади.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Телестадион». 20.00 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал. 20.30 Белоспорт бўйича СССР чемпионати. «Ёш пионерлар» стадионидан олиб кўрсатилади. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 Телевизион бадиий фильм.

Узбекистон телевиденниесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Филча Гошанинг дўстлари». Мультфильм. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Эстафета давом этади». 19.00 «Жанговар постда» (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Киноредакция почтасидан». 20.30 «Ахборот». 20.50 М. Қорийқубов номли Узбек Давлат филармонияси «Шодлик» ансамблининг концерти (такрорий). 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Турмуш ва маданият». 22.35 О. Еқубов. «Диёнат». Кўп серияли телевизион видеофильм. 3-серия. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун фильм. «Кўзойнакли бола». 19.25 «Олтин тўй». Фильм-концерт. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Орган куйлари. 21.00 Абитуриентлар учун. Математика. 22.00 Б. Лавренёв туғилган куннинг 90 йиллигига. «Оддий нарса ҳақида ҳикоя». Телевизион бадиий фильм (рус.).

17 ИЮЛЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси.

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 Болалар бадиий коллективлари ижро этади. 10.35 «Очиқ ҳавода эркаклар ўйини». Бадиий фильм. 11.40 «Халқаро конкурслар лауреати Л. Тимофеева чалади». Фильм-концерт. 12.10 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Ирок республикасининг миллий байрами—Республиканинг мадлий кунига. Кинопрограмма. 16.05 Болалар учун телевизион бадиий фильм. 17.20 «Музикали Эстония». Фильм-концерт. 17.50 «Москва ва москваликлар». 18.20 Б. Лавренёв туғилган куннинг 90 йиллигига. Ижоди саҳифалари. 19.05 «Ёғоч тойчоқ». Мультфильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Сўз — Совет ёзувчилари VII съездининг чет эллик меҳмонларига». 19.50 «Марказий телевидение экранида биринчи марта. «Уйланиш». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 «Балет ҳақида». Балет артистларининг IV Халқаро конкурси. 22.45 «Дунё воқеалари». 23.00 «Балет ҳақида». Кўрсатувнинг давоми. 23.45 Француз эстрадаси усталари.

Узбекистон телевиденниесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Қорақумдаги Нептун». Болалар учун телефильм. 11.45 «Гекльберри Финнинг саргузаштлари». Телевизион бадиий фильм (рус.). 12.55 «Касблар ҳақида ҳикоялар». 13.25 Мактаб ўқувчилари учун «Светофор» (такрорий). 14.25 «Спорт, спорт, спорт». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Қизча ва юлдузча». Кўғирчоқ фильм. 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ёшларнинг меҳнат дастхати». 19.00 «Ота-оналар университети» (такрорий). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Тошкент халқ филармонияси «Яшлик» татар-бошқирд ансамблининг концерти. 20.30 «Ахборот». 20.50 Узбекистон телевидениеси ва радиоси эстрада-симфоник оркестрининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 О. Еқубов. «Диёнат». Кўп серияли телевизион видеофильм. 4-серия. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун фильм. «Энг ҳурматли». 18.50 Абитуриентлар учун. Она тили. 19.30 Металлургларнинг кунига бағишланган телевизион ҳужжатли фильм (рус.). 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Мусобақа ташаббускорлари ҳузурида». 20.50 Абитуриентлар учун. Физика. 21.50 «Урал қўриқхонаси». Телефильм (рус.).

Узбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлигининг Марказий конструкторлик лойиҳа-технология бюроси коллективи бош инженер-ўринбосари Н. А. Муҳитдинова ўғли

СИРОЖИДДИНнинг

бафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19 фан, мактаб ва олий ўқув юртлари —32-53-10; адабиет ва санъат — 32-56-81; ахборот—33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар —33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; наширият диспетчери —32-78-94, наширият телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

16 ИЮЛЬ, 1981 й. Р. — 07257. Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64581. В. — 2160. 9